O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2005** йил, **22** июль, жума № **60** (2104).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **22** июля, **2005** год, № **60** (2104).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена свободная

Барчамизнинг энг олий мақсадимиз – эл-юртимизнинг турмуши, ҳаёти ва фаровонлигини ривожланган демократик мамлакатлар даражасига кўтариш. Ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш.

**Ислом КАРИМОВ**

## РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Япония ҳукуматининг вакили Кёко Накаямани қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон-Япония муносабатларини янада мустаҳкамлашга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

●

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 июль куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбарининг ўринбосари У И хонимни қабул қилди.

●

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент тиббиёт академиясини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

●

19 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда 2005 йил 1 ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги, мамлакатни ислоҳ қилиш бўйича янги стратегик вазифаларнинг амалга оширилиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг роли ва масъулияти муҳокама қилинди.

●

Мамлакатимизда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбарининг ўринбосари У И хоним раҳбарлигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди. 18 июль куни «Интерконтинентал» меҳмонхонасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хитой бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат савдо-саноат ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Хитой Халқ Республикаси савдо вазирлиги, мазкур вазирлик ҳузуридаги ташқи савдони ривожлантириш бюроси ҳамда техникавий-иқтисодий кўмаклашиш бўйича Хитой-Европа уюшмаси томонидан ташкил этилди.

●

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамкорлигида «Жамиятни ахборотлаштириш муаммолари ва шартлари» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Қўмита раиси Х. Дўстмуҳамедов бошқарган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, олий ўқув юртлари ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги компаниялар вакиллари иштирок этди.

●

Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳридаги ҳарбий қисмда «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

●

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Солиқ академияси ва Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ҳамкорлигида «Солиқ сиёсати: солиқларнинг моҳияти ва аҳамияти» мавзуида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

●

Асакадаги «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонаси ишга туширилганига тўққиз йил тўлди.

●

Олмалиқ шаҳрида Тошкент вилояти ёшларининг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» шиори остидаги ватанпарварлик фестивали бўлиб ўтди.

●

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «O'zbegim dasturlari» электрон нашрлар таҳририяти томонидан яратилган «Ibora» электрон луғатининг тақдимоти бўлиб ўтди.

**(Матбуот хабарлари асосида тайёрланди).**

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти битирувчиси лейтенант Илҳом Алимов айни кунларда илғор бўлинма командиридир.
Подполковник Ярослав КОРУКА олган сурат.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

## ОИЛА – ЖАМИЯТНИНГ АСОСИ

**Бежиз сарлавҳани бундай атамадик. Азалдан шарқликлар оилани мўътабар билиб, уни кичик бир мамлакатта менгзашади. Бу давлатнинг бир-бирига ўхшамаган ўз қадрият ва урф-одатлари мавжуд. Ушбу даргоҳда дунёга келган ҳар бир фарзанд авлоддан авлодга ўтиб келаётган эзгу қадрият ва урф-одатлар таъсирида тарбияланиб, камолга етади.**

**Биз бугун оила мавзусида атрофлича фикр юритиш мақсадида психология фанлари доктори, профессор, Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори Васила Каримовага бир неча саволлар билан мурожаат қилдик. Ўйлаймизки, ушбу долзарб мавзудаги суҳбат сизни беэътибор қолдирмайди.**

**– Ҳурматли Васила опа, суҳбатимизни аввало, мамлакатимизда оиланинг жамият ва давлатдаги ўрни қандай, деган саволга ойдинлик киритишдан бошласак. Оила қандай ҳимоя қилинган, унга қандай ғамхўрлик ва эътибор қаратилиб келинмоқда?**

– Мустақилликнинг илк йилларидаёқ Оила деб аталмиш ижтимоий институт гўёки қайтадан туғилди. Чунки ўзингизга маълум, Истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилинган барча ҳукумат Қарорлари, Миллий дастурларда оила ва фарзандларимиз манфаати кун тартибига устувор вазифалар сифатида қўйилди. Агар мисол учун олиб қарайдиган бўлсак, 1991 йилнинг 18 ноябрида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги тўғрисида»ги Қонун, 1992 йилда ушбу қонун ижросига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ёки 1993 йилда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат нафақа таъминоти тўғрисида»ги Қонун ва унинг ижросига бағишланган 1994 йилги ҳукумат Қарори ва бошқалар, бу рўйхатни давом эттириш мумкин, барчаси энг аввало, оиланинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга қаратилгандир. Умуман, яқинда мен ўтириб таҳлил қилсам, Президентимизнинг 2004 йилгача бўлган даврда қабул қилинган 51 та Фармон ва Фармойишлари, Қонун ва Қарорлари бевосита оила, оналикни ижтимоий ҳимоя қилиш, фуқароларимизга муносиб кексаликни таъминлаш, болаларимизнинг эмин-эркин, соғ-саломат яшашларига қаратилган экан. Айниқса, 1998 йилнинг Президентимиз ташаббуслари билан «Оила йили» деб эълон қилиниши, бу борада ҳукуматнинг махсус Қарори билан давлат дастурининг қабул қилиниши, ўзига хос ноёб ташкилот бўлмиш Республика «Оила» илмий-амалий марказининг ташкил этилиши оилани мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш бизнинг жамиятда устувор сиёсат эканлигини, халқ онгида эса муҳим қадрият эканлигини исбот этди.

**(Давоми 7-бетда).**

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз,
ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!



Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги олдидан

## АДОЛАТ ОФТОБИ

### III. БУГУНГИ АРМИЯМИЗНИНГ БУГУНГИ ПОСБОНИ

Илгарилари армия ҳақида гап кетадиган бўлса, кўпинча ота-оналар ҳам, чақирилувчилар ҳам қандай қилиб хизматга бормаслик тўғрисида ўйлаб юришар эди. Биринчидан муддати узоқ, иккинчидан уйдан йироқда, яна бир жиҳати, ҳар хил камситишлар, тазйиқлар мавжуд эди.

Армияда хизматини ўтаб келганлар: «Чекишни, сўкишни билмасанг, армияга бормаганинг маъқул», дейишарди.

Юртбошимиз шундай таъкидлайди:

**«Фарзандларимиздан асосан қурилиш батальонларида, оғир ишларда фойдаланганини, уларга бамисоли қандайдир «иккинчи сорт одамлар» деб қараганини ўша даврда ҳарбий хизматни ўтаганлар ва кўпгина ота-оналар ҳозир ҳам эслаши мумкин».**

Бугунги миллий армиямиз ҳақида гап кетар экан, беихтиёр тўлқинланиб кетасан, киши. Қувончли томони шундаки, Президентимиз, ҳукуматимиз ҳарбий хизматга, ҳарбий хизматчига мунтазам эътибор қаратиб, жуда катта ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Бугун ҳарбий хизматнинг нуфузи ортган. Қуролли Кучларда изчил ўтказилаётган ислоҳотлар самараси натижасида муддатли хизмат қилиш муддати ўн икки ой қилиб белгиланган. Аскар бўлиш ўқишга киришдай гап. Ёшларимиз учун армияда хизмат қилиш ҳақиқий ҳаёт мактабига айланган. Бу мактабга кириш учун нафақат жисмонан бақувват, соғлом бўлиши керак, шу билан бирга дунёқараши кенг, билимдон бўлиши талаб этилади. Аскарликка олишнинг ўзига хос мезонлари ишлаб чиқилган. Ўнлаб, юзлаб талабгорлардан энг сараларигина аскар бўлиш бахтига муяссар бўлишмоқда.

Хизматнинг янги тури – сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат жорий этилди. Шартнома асосидаги хизмат йўлга қўйилди.

**(Давоми 6-бетда).**

## ЎЗБЕК МЕТРОСИ

Гўзал диёримизнинг азим шаҳри – Тошкентда илк бор бўлган ҳар қандай инсон ҳам уни унутмаслиги, чиройи ва мафтункорлигига маҳлиё бўлиши турган гап. Ўтмишда «Чоч», «Шош», «Шошкент», «Мадинат аш-Шош», «Бинкат», «Таркан» дея номланган Марказий Осиёдаги энг қадимги, 1983 йилда ўзининг 2000 йиллик тўйини нишонлаган, 1966 йилги кучли зилзиладан сўнг меҳнаткаш ва заҳматкаш халқнинг саъй-ҳаракатлари эвазига табиий офат келтирган зарарлар қисқа вақт ичида бартараф этилган республикамиз пойтахтидаги Кўкалдош ва Абулқосим шайх мадрасалари, Шайх Зайниддин бобо, Хўжа Аламбардор, Юнусхон, Шайх Хованди Тоҳур, Қалдирғочбий мақбаралари каби тарихий меъморий ёдгорликлар, нуфузли олий ўқув юртлар, Тошкент телеминораси ва куранти, цирки, Мустақиллик ва «Хотира» майдонлари, Амир Темур хиёбони, «Шаҳидлар хотираси» мажмуи, Халқаро бизнес маркази, «Тошкент-ленд» истироҳат боғи, кўплаб замонавий спорт мажмуалари ва меҳмонхоналар ҳамда бошқа маъмурий биноларнинг қад ростлаган ва қурилаётган иншоотлар, шунингдек, Тошкент метроси шаҳар кўркига кўрк, чиройига янада чирой, улуғворлик ва салобат бағишлаётганини нафақат пойтахтликлар ёки ватандошларимиз, балки ташриф буюрган хорижий меҳмонлар ҳам яхши билишади.

Келинг, юқорида тилга олинганлар орасидан Тошкент метроси ҳақида сўз юритсак. Зеро, дунёнинг саксондан ортиқ давлатлари йирик шаҳарларида мавжуд шаҳар транспорти ушбу турининг бизларда ҳам фаолият кўрсатиши барчамизнинг ютуғимиз, қолаверса, фахр ва ғурурланишга арзигулик омил ҳамда жаҳонда етакчилик қилаётган давлатлардан бу борада ҳам ортда эмаслигимиз далилидир.

Аввал умуман, метрополитен тушунчаси тўғрисида. Метро (юнонча «metropolis» сўзидан олинган бўлиб, бош шаҳар, марказ, деган маъноларни англатади) – кўп сонли йўловчиларни ташишга мўлжалланган рельсли тезюрар электр транспорт туридир.

**(Давоми 6-бетда).**

Муштарийларимизга

## ВАТАНИМИЗ ЮТУҚЛАРИ – ҚАЛБИМИЗДА

Ватан. Мустақиллик. Тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик. Мана, республикамиз мустақиллиги эълон қилинганига ҳам ўн тўрт йил бўлди. Бугунги кунда биз юртимизнинг мустақилликка эришиши ҳар биримизнинг тақдиримизда қандай катта аҳамият касб этганини, тарихан қисқа давр ичида мамлакатимизда қандай улкан ўзгаришлар бўлганлигини яхши англаймиз. Қисқа муддатда дон ва энергетик мустақилликка эришдик! Иқтисодиётда тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилди. Бир вақтлар кўплаб маҳсулот ва товарларни олиб кирувчи мамлакатдан юқори сифатли, жаҳон стандартлари асосидаги тайёр маҳсулот экспорт қилувчи мамлакатга айландик.

Мустақиллик йўлидаги ютуқларимиз буюк ва барқарордир. 19 июль куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси материаллари ҳам шундан далолат бериб турибди. Ушбу мажлисда 2005 йил I ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги, мамлакатни ислоҳ қилиш бўйича янги стратегик вазифаларнинг амалга оширилиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг роли ва масъулияти муҳокама қилинди.

Мажлис материалларидан кўриниб турибдики, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан қўйилган вазифалар изчил амалга оширилмоқда. Иқтисодиётни ислоҳ этиш ва мамлакатни модернизация қилиш бўйича устувор йўналишларнинг изчил амалга оширилиши иқтисодиёт ва унинг асосий соҳа ҳамда тармоқлари юқори суръатлар билан ўсишини, инфляциянинг мўътадил даражасини, бюджет мутаносиблигини, фаол ташқи савдони, савдо балансида ижобий сальдони таъминлаш имконини берди.

Масалан, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7,2 фоизни, шу жумладан, саноатда 107,5 фоизни, қишлоқ хўжалигида 107,2 фоизни, қурилишда 103,4 фоизни, чакана товар айланмасида 108,1 фоизни, пуллик хизматлар кўрсатишда 111,6 фоизни ташкил қилди. Инвестициялар ўсиши 105,4 фоизга ва экспорт 116,7 фоизга кўпайди. Савдо балансининг ижобий сальдоси 108 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий секторнинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши сезиларли даражада ошди. Бир қатор муҳим иқтисодий объектлар ишга туширилди.

Ватанимиз ютуқлари мустақиллик ишига, ислоҳотлар йўналишининг тўғри эканлигига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди ва ёшларни Ватанимиз шон-шарафи учун эзгу ишларни амалга оширишга руҳлантиради. Улар мамлакатимиз иқтисодий қудратининг ошишига, унинг ҳимояси ва ҳавфсизлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

**ТАҲРИРИЯТ**

К нашим читателям

## УСПЕХИ РОДИНЫ – В СЕРДЦЕ КАЖДОГО

Родина. Независимость. Мир, стабильность и благополучие. Вот уже четырнадцать лет прошло со дня провозглашения независимости нашей республикой. Сегодня мы по-особенному осознаем, какую огромную роль в судьбе каждого из нас сыграло обретение страной независимости, какие огромные изменения произошли в стране за столь короткое по историческим меркам время. В кратчайшие сроки мы добились зерновой и энергетической независимости! Проведена структурная перестройка экономики. Страна, некогда ввозящая многочисленные виды продукции и товаров, стала экспортером готовой продукции высокого качества, мировых признанных стандартов.

Наши успехи на пути независимости велики и стабильны. Об этом говорят и материалы состоявшегося 19 июля заседания Кабинета Министров Республики Узбекистан, на котором обсуждены итоги социально-экономического развития страны в первом полугодии 2005 года, результативность принимаемых мер по углублению процессов либерализации экономики, роль и ответственность органов государственного и хозяйственного управления в решении стратегических задач по реформированию страны.

Из материалов заседания следует, что установки Президента страны И.А.Каримова безусловно выполняются. Углубляются процессы либерализации экономики и всей общественной жизни страны. Обеспечиваются высокие темпы роста экономики и ее основных сфер и отраслей, умеренные показатели инфляции, сбалансированность бюджета, активность внешней торговли и положительное сальдо торгового баланса. Так, прирост ВВП за полугодие составил по сравнению с тем же периодом прошлого года 7,2 процента, в том числе промышленности – 107,5 процента, сельского хозяйства – 107,2 процента, в строительстве – 103,4 процента, в розничном товарообороте – 108,1 процента и в оказании платных услуг – 111,6 процента. Рост инвестиции составил 105,4 процента, экспорта – 116,7 процента. Положительное сальдо торгового баланса составило 108 млн. долларов США. Существенно возрос вклад в экономику страны малого бизнеса и частного предпринимательства. Введен в строй действующих целый ряд важных экономических объектов.

Эти успехи укрепляют нашу веру в дело независимости, убеждают в правильности курса реформ и вдохновляют молодых людей на новые благие дела во славу Родины. Они способствуют возрастанию экономической мощи нашей страны, укреплению ее обороны и безопасности.

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ**

3 МУСТАҚИЛ ЮРТНИНГ САДОҚАТЛИ ЎҒЛОНЛАРИ
САРЛОЧИНЛАР ҚАНОТ ЁЗМОҚДА

7 ҲАЁТ ВА ИЖОД
ОИЛА – ЖАМИЯТНИНГ АСОСИ

8 TENGDOSH
«ОЛТИН ДАВР»НИНГ УНУТИЛМАС ОНЛАРИ

9 ШКОЛА ВЫЖИВАНИЯ
ПРЕОДОЛЕНИЕ ГОРНЫХ РЕК

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Шавкат Мирзиёев олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 28 январда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида, шунингдек, 7 февралда Оқсарой қароргоҳида ҳукумат аъзоларининг янги таркиби иштирокида ўтказилган йиғилишдаги нутқида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини танқидий таҳлил қилиш мажлис қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Шу билан бир қаторда, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни мустаҳкамлашга, солиқ юкини камайтиришга, солиқларни тўлаш ҳамда ҳисоботларни тақдим этиш тизимини соддалаштиришга, шунингдек, молиявий жавобгарликни эркинлаштиришга қаратилган бир қатор муҳим фармонлар ва қарорларнинг қабул қилиниши бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришда ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришда муҳим омил бўлди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мажлис кун тартибини муҳокама қилишда қуйидагилар устувор масалалар этиб белгиланди: ҳукумат олдига қўйилган вазифалар қандай бажарилмоқда, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари мазкур масалаларни ҳал этишга нечоғлик масъулият билан ёндашмоқда, бу борада эришилган дастлабки натижалар қандай? Иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасида кейинги ойларда қабул қилинган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пакети қай тарзда амалга оширилади?

Мажлисда ушбу масалаларни танқидий муҳокама этиш давомида шу нарса қайд этилдики, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва мамлакатни модернизация қилиш бўйича устувор йўналишларнинг изчил амалга оширилиши 2005 йил биринчи ярим йиллигида инфляциянинг мўътадил даражасини, бюджет мутаносиблигини, фаол ташқи савдони, савдо балансида ижобий сальдони таъминлаган ҳолда юқори суръатлардаги иқтисодий ўсиш тенденциясини мустаҳкамлаш имконини берди.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7,2 фоизни, шу жумладан, саноатда 107,5 фоизни, қишлоқ хўжалигида 107,2 фоизни, қурилишда 103,4 фоизни, чакана товар айланмасида 108, 1 фоизни, пуллик хизматлар кўрсатишда 111,6 фоизни ташкил қилди. Шунингдек, бунга инвестицияларнинг 105,4 фоизга ва экспортнинг 116,7 фоизга кўпайганлиги ҳам ёрдам берди. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари аҳоли реал даромадларининг ошишини таъминлади.

Ташқи савдо айланмаси 4838,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди ёки 2004 йилнинг шу давридагига нисбатан 16,6 фоизга ўсди. Савдо балансининг ижобий сальдоси 808 миллион АҚШ долларини ташкил этди, бу ўтган йил кўрсаткичларидан анча юқоридир. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаоллиги ўсганлиги туфайли жорий йилнинг январь-июнь ойларида давлат бюджетининг даромад қисми ошириб бажарилди.

Кичик бизнес ва хусусий секторнинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши сезиларли даражада ошди. Кичик бизнес корхоналари сони 12,7 фоизга кўпайди. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 253 мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

Иқтисодиётда инвестиция фаоллигини ошириш изчил таъминланмоқда, айни бир вақтда капитал қўйилмалар ўтган давр мобайнида ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигидаги 2,2 фоиз ўрнига 5,4 фоизга ошди.

Ҳукумат дастурларига мувофиқ, уй-жой-коммунал хўжалиги тизимида, уй-жой қурилишида ислоҳотлар бошлаб юборилди, шунингдек, енгил саноатни ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришнинг тармоқ дастурлари амалга оширилмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Уларга муайян даражада молиявий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бир қатор муҳим объектлар барпо этилди ва фойдаланишга топширилди. Чунончи, «Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли участкаси, «Когон-Газли» ва «Муборак-Ғаллаорол» магистрал газ қувурлари участкалари, Муборак газни қайта ишлаш заводида янги қурилмалар, саноатнинг турли тармоқларида янги ишлаб чиқаришлар ва шу кабилар ишга туширилди.

Шу билан бирга, мажлисда алоҳида қайд этиб ўтилганидек, хусусий тадбиркорлик соҳасини амалий, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш талаб қилинади. У давлат бошқаруви органларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз равишда аралашувини чеклашни, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришни, солиқ юкини камайтиришни ва рақобат муҳитини ривожлантиришни қатъиян таъминлаши зарур.

Шу муносабат билан ҳукуматнинг, вазирликлар ва идораларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати билан ўзаро узвий ҳамкорлик қилиши, кичик ва хусусий бизнесни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш, қабул қилинган фармонлар ва қарорларга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан санкцияларни фақат суд томонидан қўлланиш тизимини жорий этишни таъминлаш бўйича устувор вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш биринчи навбатдаги ва жадал чора-тадбирлар кўрилиши зарур бўлган масалалар этиб белгиланди.

Ислоҳотларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларини назорат идораларининг ноқонуний тафтишлари ва текширишларидан халос қилиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Бу ноқонуний аралашаётган ва тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини камситаётган шахсларнинг муқаррар жазоланишини талаб этади. Ушбу масалалар бўйича Адлия вазири Б. Мустафоев, Бош прокурор Р.Қодиров, Олий хўжалик суди раиси А.Ишметов ва Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиевнинг ахборотлари тингланди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси нафақат тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борадаги тўсиқлар ва чеклашларни бартараф этиш, балки хусусий секторнинг экспорт потенциалини кенгайтиришда ёрдам кўрсатишга ҳам даъват этилган. Палата раиси А.Шайхов ўз нутқида ушбу муаммоларга ва уларни ҳал этишга доир аниқ таклифларга тўхталди.

Кун тартибидаги масалаларнинг навбатдаги гуруҳи 2005 йилги Инвестиция дастурини амалга оширишга ва мамлакатда инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирларига бағишланди.

Сўзга чиққан раҳбарларнинг асосий эътибори илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларининг юқори самарадорлигини таъминлашга ва хорижий сармояни республика иқтисодиётига жалб этишни кенгайтириш чора-тадбирларига қаратилди.

Иқтисодиётнинг реал секторига инвестициялар жалб этиш жараёнида кредит муассасалари муҳим ўрин тутади. «Асакабанк» раиси Ш.Жўраев ушбу ишнинг ҳолати тўғрисида ва иқтисодиётнинг аниқ тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишни анча кенгайтириш бўйича банкнинг таклифлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини кредитлаш ҳажмлари тўғрисида ахборот берди.

Мажлисда 2005 йилги Инвестиция дастури айрим лойиҳаларини амалга оширишда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш суръатларининг пастлиги учун Иқтисодиёт вазирлиги (С.Ҳасанов), Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги (Н.Нажимов), «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси (О.Раматов) раҳбарларига, Навоий вилояти ҳокимига (Б.Рўзиев), шунингдек, тижорат банклари раҳбарларига ҳамда бир қанча лойиҳаларни молиялаштириш бошланиши кечикканлиги учун «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси (А.Баҳромов) раҳбарларига қатъий кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда айрим ўқув юртлари қуриш ва фойдаланишга топширишнинг сust суръатлари қайд этилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори А.Каримов ўз нутқида қайд этганидек, бир томондан, тендер савдолари ўтказишда йўл қўйиладиган камчиликлар, иккинчи томондан эса – қурилиш жараёни қатнашчилари томонидан ишларнинг етарлича самарали ташкил этилмаслиги, қурилиш қоидаларининг бузилиши ва қурилиш-монтаж ишларининг паст сифати бунинг сабаби ҳисобланади.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги фаолияти кескин танқид қилинди. Уларга қурилаётган ва реконструкция қилинаётган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни ўз вақтида ва сифатли фойдаланишга топшириш, ушбу мақсадлар учун ажратилаётган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат бўшаштириб юборилганлиги ҳамда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қуриш ва уларни реконструкция қилишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилиши учун шахсан жавобгар эканликлари кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда 2005 йилги Хусусийлаштириш дастурини ўз вақтида амалга оширишга нималар тўсқинлик қилаётганлиги ҳақидаги масала кескин қилиб қўйилди. Ушбу масала бўйича Давлат мулкини бошқариш қўмитаси раиси М.Асқаров ҳисобот берди. Муҳокама давомида йўл қўйилган камчиликлар туфайли ҳисобот даврида ҳаммаси бўлиб 321 объект сотилганлиги қайд этилди. Жиззах, Сурхондарё вилоятларида, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси (М.Худоёров), «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси (М.Абдуллаев), «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси (Р.Матчонов) тизимларида объектларни хусусийлаштириш топшириғи бажарилмади. Кўрсатиб ўтилган идоралар раҳбарларига ушбу камчиликларни бартараф этиш ва дастурни 2005 йил охиригача сўзсиз бажариш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича топшириқлар берилди.

Кун тартибининг якунловчи масаласи бошоқли дон экинларидан бўшаётган ерларни ўз вақтида шудгор қилиш ва 2005 йил пахта ҳосили учун ғўзаларни сифатли ўстириш бўйича комплекс агротехника тадбирларини ҳамда ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олишни таъминлаш юзасидан ташкилий чора-тадбирларга бағишланди.

Аграр секторни ислоҳ қилиш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулот 7,2 фоизга ўсишини таъминлади. Деҳқонларнинг фидокорона меҳнати туфайли бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштирилди ва йиғиштириб олинди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Исмоилов, Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Й.Тожибоев ва Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ғ.Барноев агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш юзасидан кўриладиган чора-тадбирлар ҳамда улар учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг раҳбарлари шахсан жавобгар эканлиги ҳақида тўхталдилар.

«Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси раиси Р.Матчонов, «Ўзагромашсервис» уюшмаси раиси Д.Солиҳбоев ва «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси раиси Ғ.Иброҳимовнинг ҳисоботлари қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланишда самарадорликнинг паст бўлиши сабабларига ва машина-трактор парклари ишининг узлуксиз ишлашини ташкил этиш учун уларни эҳтиёт қисмлар билан ўз вақтида таъминлаш муаммоларига ҳамда республика фермер хўжаликларига ўз вақтида ва сифатли сервис хизмати кўрсатиш чора-тадбирларига бағишланди. Молия вазири С.Раҳимов, «Пахтабанк» бошқаруви раиси А.Боймуродов ва «Ғаллабанк» бошқаруви раиси И.Ўринбоевнинг ҳисоботлари давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўз вақтида молиялаштириш ва кредит беришнинг жорий этилган тизими самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланди.

Муҳокама давомида вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар раҳбарларининг асосий эътибори қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар жараёнларини изчил чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини таъминлашга, ерларни шудгорлашни тугаллаш, 2005 йил пахта ҳосили учун ғўзаларни ўстириш ва ҳосилни йиғиштириб олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилиши зарурлигига қаратилди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

---

Обеспечение безопасности полетов

## ЗЕМНЫЕ «ХРАНИТЕЛИ» НЕБЕСНЫХ АСОВ

Воинский коллектив части под командованием офицера Муродилло Нуритдинова по итогам минувшего учебного года признан лучшим в Войсках ПВО и ВВС среди подразделений обеспечения безопасности полетов. Побывав на обслуживаемом ими военном аэродроме, мы еще раз убедились в том, что переходящего вымпела они удостоены по праву.

Крутые ступеньки лестницы ведут в главную комнату на всем аэродроме – место, откуда руководитель полетов (РП) управляет сложным и многогранным процессом. Майор Адхамжон Мамадиев, как всегда, предельно собран и строг – принимает доклады подчиненных служб, запрашивает у диспетчера данные о воздушном пространстве в зоне полетов. И только потом в ответ на запрос командира экипажа вертолета следует краткий, лаконичный ответ:

— Взлет разрешаю!

И не было еще случая, чтобы даже после приземления, в неформальной приватной беседе, хоть кто-то из военных летчиков посетовал на затянувшуюся процедуру подготовки к вылету. Вертолетчики хорошо понимают – после этих двух слов РП полностью возлагает на себя и свою команду гарантии безопасности пребывания экипажа в небе. И если даже возникнет вдруг нештатная ситуация в воздухе, первыми на подмогу авиаторам придут именно эти «хранители» из службы наземного обеспечения полетов.

Курсанту третьего курса Джизакского высшего военного авиационного училища Уткиру Ризванову, прибывшему на войсковую стажировку, в обществе многоопытных офицеров просто и одновременно трудно. И руководитель полетов и дежурный штурман старший лейтенант Сабир Рахмонов особо не опекают, но в ходе контроля за очередным бортом они максимально сосредоточены на боевой работе. Так что никаких комментариев не дождаться, надо во все вникать самому. Разве что потом, после посадки, они могут уделить пару минут парню, удовлетворив его законное любопытство.

Майору Абубакиру Саидходжаеву, начальнику узла связи и радиотехнического обеспечения, повезло с помощниками. В их числе такие мастера своего дела, как отслуживший уже 25 лет техник радиолокационной станции сержант по контракту Александр Миханов, дежурный по связи младший сержант по контракту Бахтиер Туйчиев, которые не только сами отлично владеют вверенной техникой, но и помогают воспитывать молодежь.

Водителя-механика электрогазовой группы младшего сержанта по контракту Бакыткерея Есетова мы встретили прямо у вертолета – очередной экипаж готовился к вылету, надо было подавать электроэнергию. Пятнадцать лет назад он прибыл сюда солдатом на срочную службу, да так и связал свою судьбу с этим дружным коллективом. Женился, стал отцом двоих детей.

Вот такая притягательная сила у этого дружного коллектива. Военные вертолетчики с большим удовольствием прилетают сюда, потому что знают – здесь радушно примут, разместят, в ходе выполнения полетной программы обеспечат надежные гарантии безопасности.

**Майор А. АЙНАТДИНОВ.**
Фото **подполковника Ярослава КОРУКИ.**



## ЕСТЬ ВКЛАД КАЖДОГО

**– Наши офицеры постоянно добиваются от нас, младших командиров, передовой роли в специальной подготовке, – говорит младший сержант по контракту А.Гайсин. – И поэтому мы серьезное внимание обращаем на пропаганду опыта отличников, классных специалистов, заботимся о строгом соблюдении мер безопасности.**

**Пример систематической, целеустремленной работы и достижения высоких результатов в спецподготовке показывает личный состав взвода, которым командует старший лейтенант У.Холматов. Соревнуясь за отличное выполнение нормативов и операций, воины этого подразделения стараются эффективно использовать каждую минуту учебного времени. Офицеры и сержанты стараются полностью использовать все имеющиеся в их распоряжении резервы, чтобы добиться эффективности каждого проводимого ими занятия.**

Особенно хорошо идут дела с первых дней летнего периода обучения в группе, возглавляемой младшим сержантом по контракту А.Гайсиным. Здесь в ходе тренировок и занятий постоянно анализируется состояние технической учебы, ведется учет выполнения принятых обязательств, даются оценки действиям каждого солдата, каждой секции. По инициативе активистов выпускается и ими же заполняется бюллетень «Сегодня в соревновании отличились».

Любой солдат здесь всегда в поле зрения командиров и общественности. Заметки, помещенные в бюллетене и рассказывающие об опыте лучших воинов и достигнутых ими показателях, как правило, никого не оставляют равнодушными. И тут порой разгораются жаркие дискуссии на такие актуальные темы, как «Что ты сегодня сделал для повышения боевой готовности?», «Каков твой вклад в успех подразделения?»

Во взводе, и в частности в группе младшего сержанта А.Гайсина, применяются разнообразные формы технической учебы. Теоретические занятия сочетаются с практической работой, индивидуальные консультации – с групповыми. Широко применяются технические средства обучения: тренажеры, действующие макеты узлов, электрифицированные схемы и т.д. Хорошо оборудованные учебные классы помогают автомобилистам повышать знания и мастерство.

–У воинов нашей группы, – рассказывает передовик рядовой А.Умурзаков, – хорошо развита взаимопомощь в учебе и боевой работе. На первых порах тяжело приходилось новичку рядовому И.Гульмурадову. С большим трудом он познавал материальную часть, физическую сущность работы механизмов. Сразу несколько человек пришли к нему на помощь. И в скором времени солдат выполнял свои служебные обязанности самостоятельно, без подсказок и ошибок.

– Обучая и воспитывая подчиненных, – говорит младший сержант А.Гайсин, – мы прежде всего добиваемся от личного состава точного выполнения всех правил техники безопасности. Независимо от ранее проведенных мероприятий, перед каждым очередным занятием, обслуживанием материальной части я, командиры секций вновь и вновь организуем с воинами изучение и практическую отработку этих правил, воспитываем непримиримость к любым фактам халатности и неорганизованности.

**Сергей БУДАЕВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**

---

Ўқув-услубий йиғин

## ТАЖРИБА АЛМАШУВ – САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Ҳар бир соҳа, айниқса, тарбиявий ишда тажриба алмашув, ўз устида ишлаш, муттасил малака ошириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Негаки, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Айниқса, техника жадал суръатларда ривожланиб бораётган бугунги кунда ҳар соат, ҳар дақиқада ўзгаришлар бўлаяпти, янгиланишлар кузатиляпти. Бу ўринда тарбиячи офицер, яъни командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарининг мамлакатимизда, қолаверса, жаҳонда рўй бераётган ўзгаришларни билмаслиги, жамиятдан, ҳаётдан орқада қолиши асло мумкин эмас.

Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармасининг тадбирлар режасига мувофиқ, жорий йил 19-21 июль кунлари барча ҳарбий округларда батальон (дивизион)лар ва взвод (батарея)лар командирлари тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларининг ўқув-услубий йиғини ўтказилди. Йиғинда «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Қуролли Кучлар 13 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги – ҳарбий ислоҳотлар вазифаларини белгилаб берувчи дастурий ҳужжат», «Ҳарбий хизматчилар билан якка тартибда тарбиявий иш олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари, шакл ва услублари, бўйсунувчиларга педагогик таъсир ўтказишнинг усуллари», «Тарбиявий ишлар самарадорлигини, шахсий таркиб ҳушёрлигини ошириш, ислом фундаментализми ва диний экстремизм ғояларининг қўшинларда тарқалишига қарши курашини ташкил этиш бўйича тарбиявий ишларнинг йўналишлари», «Ҳарбий жамоа: уни шакллантириш ва жипслаштириш бўйича командирлар ва тарбиявий ишлар бўлими офицерларининг вазифалари», «Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий асослари» сингари ўттиздан ортиқ мавзу бўйича маърузалар тингланди, тажриба ва фикрлар алмашилди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округда ўтказилган ўқув-услубий йиғинда округ қўмондонлиги вакиллари, Қорақалпоғистон давлат университетининг малакали ўқитувчилари, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси ходимлари, ҳарбий қисм командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишларни ташкил этиш ва услубиёти бошқармаси офицерлари ва бошқалар иштирок этди ҳамда сўзга чиқишди.

Йиғинда тарбиячи офицерлар билим савияси ёзма иш ва тест орқали синовдан ўтказилди. Барча қатнашчилар, айниқса, ёш офицерлар йиғиндан кўп нарса ўрганишди. Тажрибали офицерлар эса ўз малакаларини янада оширдилар.

**Шартнома бўйича хизмат сержанти**
**Аманбай АРЗИЕВ.**
**Нукус гарнизони. (Факс орқали).**

## ТАРБИЯЧИ ОФИЦЕР МАСЪУЛИЯТИ

Тарбиячи офицер катта лейтенант Нодир Кенжаев ўтказган навбатдаги ижтимоий-сиёсий машғулот мавзуси Мудофаа вазирлиги Ҳарбий студияси ижодкорлари томонидан суратга олинган «Андижон фожиаси – воқеалар хроникаси» ҳужжатли фильми ҳамда ушбу фильм ҳақида «Ватанпарвар» газетасида чоп этилган «Осон эмас бўйсундирмоқ ёвқур ўзбекни» сарлавҳали мақоласи муҳокамасига бағишланди. Посбонлар билан олиб борилган мазкур машғулот қизғин баҳс-мунозаралар остида ўтди. Ҳатто, айрим аскарларнинг халқаро терроризмнинг бугунги қиёфаси, унинг тинч аҳолига солаётган хавф-хатари хусусидаги баъзи саволлари устозни бироз тер тўкишга мажбур қилди. Аммо матбуот саҳифалари ва ўқув адабиёт қўлланмаларини мунтазам мутолаа қилиб, тафаккурини бойитиб бораётган офицернинг бу каби саволлар хижолатга солмасдан, аксинча фикрларини тўла-тўкис баён қилишга имкон берди. У шогирдлари билан олиб борган ҳар бир машғулоти мана шундай кўтаринки кайфиятда ўтишини, шунқорлари етказилган ҳар бир маълумотни чанқоқлик билан тинглашларини хоҳлайди. Шу туфайли уларнинг билимларини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда. Шахсий таркибни халқимизнинг улуғвор тарихи, бугунги кунда республикамизда амалга оширилаётган ишлар ва жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан бохабар қилиб боришда ўз билимини, куч-ғайратини аямаяпти.

Кунлар ўзгарувчан, ҳар соат, ҳар дақиқа юртимизда ва жаҳонда қанчадан-қанча ўзгариш ва янгиликлар содир бўлмоқда. Тезкор даврнинг оммавий ахборот воситаларида акс этаётган барча воқеаларини юртимиз ҳимоячилари теран қабул қилишлари учун тарбиячи офицерлардан тажриба, маҳорат билан бир қаторда катта масъулият талаб этилади.

– Юртимиз ҳимоячилари ўз касбининг етук мутахассислари бўлиши билан бирга, айни пайтда сайёрамизнинг қайси бир нуқтасида қандай воқеа содир бўлаётганини билиб боришлари керак, – дейди тарбиячи офицер. – Бунинг учун эса посбонларимизга барча шароитлар яратиб қўйганмиз. Қисмимиз кутубхонасида вақтли матбуот нашрларидан «Ватанпарвар», «Халқ сўзи», «Ҳуқуқ» ҳамда бошқа газета ва журналлар бор. Уларни доимий тарзда кузатиб борамиз. Республика теле ва радиоканалларининг информацион дастурларини аскарларимиз кўриб, тинглаб боришади. Кейин эса улар билан муҳим воқеалар юзасидан мунозара олиб борамиз. Яхши дам – меҳнатга ҳамдам деганларидек, уларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришларини ҳам эсдан чиқармаганмиз. Айнан аскарларимизнинг қизиқишларини эътиборга олган ҳолда бу иш йўлга қўйилган. Йигитларнинг айримлари бўш вақтида қисм кутубхона хизматидан фойдаланса, баъзилари эса спорт шаҳарчасида шуғулланишни маъқул кўради. Ҳафта мобайнида яхши хизматлари ва хулқи билан ўзини кўрсата олган аскарлар шаҳарни айланиб келиш ёки кичик гуруҳ таркибида музей ҳамда кинотеатрларга бориш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бу сўзларга ишонч ҳосил қилиш мақсадида қисм ҳудудини ўз кўзимиз билан кўришга қизиқдик. Ижтимоий-сиёсий машғулотлар хонаси яхшигина жиҳозланган. Назаримда, яқинда таъмирдан чиққан. Девор пештоқларида саркардалар: миллатимиз шаъни, ғурури ва ифтихори бўлган Амир Темур, Бобур Мирзо, генерал Собир Раҳимов каби тилга тушган, оламга донги кетган азизу мўътабар боболаримиз ҳаёт йўли ва фаолиятларидан гувоҳлик берувчи турли суратли лавҳалар жой олган. Улар посбонлар руҳиятига ўзига хос ижобий таъсир этиши шубҳасиз. Тарбиячи офицерлар машғулотларда йигитларни отабоболар жасоратидан ўрнак олишга, уларнинг анъаналарини виждонан давом эттиришга ундаркан, суратларни намуна қилиб кўрсатишади.

Шахсий таркиб бугунги кунда республикамизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ислоҳотларнинг бориши ҳақида етарли тасаввурга эга бўлиши лозим. Бу уларнинг элу юртимиз тинч-осойишталиги, чегараларимиз дахлсизлиги учун астойдил хизмат қилишларига яқиндан ёрдам бериши аён.

Лавҳамиз қаҳрамони Фарғона шаҳрида оддий оилада туғилган. Оиланинг ёлғиз ўғил фарзанди бўлишига қарамасдан ўз ҳаётини ҳарбийликка боғлади ва доимо танлаган касбидан ғурурланади. Шу тариқа ҳозирга қадар Тошкент ҳарбий округида, Қашқадарёдаги мотоўқчилар қисми взводида тарбиячи офицер лавозимида хизмат қилиб келди. Унинг изланишлари бесамар кетмаяпти, ўзининг ташвиқот ва тарғиботлари билан аскарлар онг ва тафаккурининг ўсишига беқиёс ёрдам бермоқда.

Ҳеч ким онадан мукаммал бўлиб туғилмайди. Киши ҳаёти давомида кўзи билан кўриб, дили билан ҳис қилиб, ақли орқали англаб камолга етади. Бу ҳар учала шартда ҳам сўзнинг, тўғри маслаҳат ва йўл-йўриқнинг ўрни, катта таъсири бор. Суҳбатдошимиз бу борада ҳам илғор, яъни яхши сўз билан шахсий таркиб ҳурматини қозонган. У айтган ҳар бир гапига аввало ўзи амал қилиб, шахсий намуна кўрсатади. Шу боис бу хушфеъл, тўғрисўз ва самимий офицер берган буйруқ ва топшириқларни аскарлар чин дилдан бажарадилар.

**Ҳ. КОМИЛОВ.**

# МУСТАҚИЛ ЮРТНИНГ САДОҚАТЛИ ЎҒЛОНЛАРИ

Соревнование силы множит

## ОПИРАЯСЬ НА ЛИДЕРСКИЕ ТРАДИЦИИ

В воинском коллективе десантников под командованием старшего лейтенанта Миразиза Мирахмедова сложилась добрая традиция преемственности лидерских традиций. Если два года назад он сам в упорной борьбе завоевал почетное звание «Лучший командир взвода» в войсках Министерства обороны, то в прошлом году звания «Лучший командир группы» удостоился лейтенант Ринат Камалитдинов. Прочный фундамент достигнутых успехов позволяет воинам уверенно смотреть в завтрашний день, а недавние показные взводно-тактические учения (ВТУ) показали, что десантники твердо намерены сохранить «прописку» переходящего приза Военной коллегии у себя.

Поднявшись по тревоге, «голубые береты» спешат раствориться в темноте. Летняя ночь коротка, а надо успеть до рассвета скрытно выдвинуться в район сбора. После условного десантирования ребята производят посадку на боевую технику и совершают рейд в тыл условного противника. Попутно идет отработка нормативов по преодолению участка «зараженной» местности, развертыванию из походного в боевые порядки, уничтожению с ходу мелких групп «противника». Руководивший проведением ВТУ исполняющий обязанности командира части офицер Зафар Эркулов оценивает действия подчиненных не только по времени, но и по качественным параметрам. И это вполне оправданно, ведь даже если воин на отлично преодолел «зараженный» участок, но при этом у него обнаружены нарушения в экипировке противогаза или общевойскового защитного комплекта, то он автоматически считается выбывшим из строя.

К счастью, у лучшего командира группы лейтенанта Р.Камалитдинова таковых не оказалось. Так что подразделение без потерь прибыло к месту организации «засады» против основных сил условного противника. Как и полагается в таких случаях, впереди выставляется «секрет» с задачей скрытного наблюдения. Для опытных разведчиков рядовых Степана Атаманова и Мухтара Бабамурадова это дело привычное – они умело используют особенности складок местности, с помощью портативной рации передавая сведения о всех перемещениях «противника», сами при этом оставаясь невидимыми.

Получив от товарищей всю нужную информацию, основные силы десантников приготовились к встрече «незваных гостей». Например, механик-водитель БМД младший сержант по контракту Муса Абдукаримов тщательно замаскировал свою боевую машину, а наводчик-оператор рядовой по контракту Абдулла Нуъмонов приготовился вести огонь из штатного вооружения. Однако первым вступает в «бой» выпускник школы подготовки сержантов младший сержант по контракту Абдуфаттах Таджибаев – снайперские выстрелы вносят сумятицу в действия «противника».

За мастерской работой военного профессионала с гордостью и удовлетворением наблюдают из укрытия солдаты срочной службы – расчет гранатомета АГС в составе рядовых Тимура Хамраева и Азамата Уразымбетова подхватывает эстафету и вносит свои аккорды в победную «симфонию», метко поражая мишени. И довершает разгром окончательно деморализованного «противника» пулеметчик рядовой по контракту Джамшид Муллажонов. В реальном бою его миссия может иметь решающее значение для победы.

Командиру батальона старшему лейтенанту М.Мирахмедову оставалось только порадоваться за командиров групп лейтенантов Рината Камалитдинова и Равшана Касымова. Молодые офицеры с честью выдержали этот нелегкий экзамен. Но они и не думают успокаиваться достигнутым, ведь впереди их ждет более сложное испытание – итоговая проверка за учебный год.

Бугун курсант – эртага офицер

## САРЛОЧИНЛАР ҚАНОТ ЁЗМОҚДА

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг курсантларини аэродромда учратганимизда, бўлажак учувчи-офицерлар мазкур ҳарбий округда амалиётни кўнгилдагидек ўтаётганидан хурсанд бўлдик. Албатта, миллий армиямиз сарлочинлари қанот ёзаётганини кузатиш бизга ҳам ўзгача завқ бағишлади.

Вертолётчилар эскадрильяси командири подполковник Зокир Йўлдошев бошчилигида айланма парвозларни илк бор ижро этаётган учинчи босқич курсантлари Алишер Абдуллаев ва Нуритдин Назарбоевлар устозларига чуқур миннатдорчилигини билдиришди. Мураккаб жанговар техникани инструкторлар назорати остида осмонга кўтариш бу йигитлар учун бир умр эсда қоладиган воқеа бўлиши аниқ.

— Икки йил мобайнида интиқлик билан кутган дамлар етиб келганидан бағоят хурсандмиз, – дейди биз билан суҳбатда курсант Алишер Абдуллаев. – Биздан ташқари, жанговар бошқарув офицерлари касби бўйича таълим олаётган курсантлар ҳам мазкур аэродромда амалиёт ўтамоқда. Улар ҳам парвозлар хавфсизлигини таъминлаш борасида тажрибали мутахассислардан кўпгина сабоқлар олишмоқда.

Ҳарбий вертолётчилар мусаффо осмонимизни қўриқлашдек масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этиш анъаналарини эртанги кунда улардан қабул қиладиган ёшларга катта ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Ҳаво кемаларини моҳирлик билан бошқараётган бугунги учувчилар ўрнини босадиган сарлочинларнинг парвозлари Ватанимизнинг ҳаво сарҳадлари ҳимояси ишончли эканлигидан далолатдир.

## УЛУГБЕК И ЕГО «КОМАНДА»

**Батальон мобилизационного призывного резерва (МПР) под командованием капитана Улугбека Давронова не случайно называют одним из лучших в округе. Здесь сформирован дружный коллектив единомышленников, качественно решающий задачи подготовки резерва для наших Вооруженных Сил.**

Необходимость в течение месяца вложить в прибывших с «гражданки» молодых людей немалый объем военных знаний и навыков диктует напряженный ритм учебного процесса. В нем особое место отведено воспитательной работе – наша молодежь должна хорошо знать, какие ценности она готовится защищать. И здесь на занятиях по общественно-политической подготовке старшим лейтенантам Абдураиму Сафарову и Фарходу Бобоеву, лейтенанту Равшану Усманову приходится очень тщательно готовиться, ведь среди каждого набора есть немало молодых, талантливых, интеллектуально развитых людей с высшим образованием. Например, Адхам Эргашев закончил Кокандский пединститут, а Махмуджон Турсуналиев, окончив Ферганский госуниверситет, преподает режиссуру.

Однако и педагоги, и режиссеры, и агрономы хорошо знают, что на сборы они в первую очередь прибывают с целью освоить азы военной науки. Поэтому занятие по огневой подготовке, на котором командир взвода лейтенант Фуркат Юлдашев разъясняет устройство пулемета, проходит при большой активности обучаемых. Вот и заместителю командира группы младшему сержанту по контракту Комилу Хаитову при проведении занятия по топографии приятно осознавать, что эти знания пригодятся ребятам не только в военное, но и в мирное время. Ведь они теперь даже на незнакомой местности смогут уверенно ориентироваться.

Командиру батальона, когда-то начинавшему службу солдатом, доставляет удовольствие процесс общения с молодежью, поэтому капитан Давронов не упускает возможности во время коротких перерывов переговорить с парнями, узнать их мнения об организации боевой учебы. Кстати, и условия для отдыха, занятий физической культурой здесь созданы отличные. Возможно, поэтому из числа тех, кто прошел сборы в данном батальоне, немало юношей, связавших свою судьбу с армией, после обучения в окружной школе подготовки сержантов ставших военными профессионалами.

Сборы – месяц, боеготовность – всегда

Суратли лавҳа

## ТЎПЧИЛАР МЎЛЖАЛДА АДАШМАСИН!



Катта лейтенант Муҳаммадисмоил Маматов бошчилигидаги тўпчилар батареяси ўн кунлик дала-ўқув машқларида жамоа жипслигини янада кучайтиришга асосий эътиборни қаратмоқда. Мақсад – кейинги сафар полигонга чиқилганда, ҳар бир снаряд белгиланган мўлжалга аниқ етиб боришини таъминлашдир.

Батарея сардори ўн бир йил илгари хизматини айнан мазкур жамоада оддий аскарликдан бошлаганди. Ундан сўнг шартнома асосида фаолиятини давом эттириб, аввал механик-ҳайдовчи, кейин эса офицерлар тайёрлаш курсларида ўқиб чиқиб, илк офицерлик унвонига сазовор бўлди. Даставвал ўзиюрар тўплар батареясида бошқарув гуруҳи командири, ундан сўнг гаубицалар дивизионида бошқарув батареяси командири вазифаларини бажариб келди. Ҳозирда унга тўпчилар батареясини бошқариш ишониб топширилган.

Ғайратли командир қўмондонлик ишончини тўла оқлади – мазкур батарея бугунги кунда қисмда илғорликка даъвогарлар ўртасида биринчи ўринни эгалламоқда. Бунда командирнинг шахсий ўрнаги ҳам катта роль ўйнамоқда десак, муболаға бўлмайди. Масалан, жисмоний тайёргарликда ҳам катта лейтенант М.Маматов фаоллардан биридир. Тош кўтариш машқи бўйича ўтказилган округ биринчилигида у ўз вазнида чемпионликни қўлга киритди.

Тўпларни жанговар ҳолатга келтириш машқини ҳеч бир қийналмасдан ўз вақтида бажариш жанговар расчётлардан катта куч ва маҳоратни талаб қилади. Ушбу талабларга жавоб бериши жамоада жисмоний шайликка эътибор юқорилигини исботлаб турибди. Мўлжалга олувчилар билан махсус машқларни тиришқоқ офицер ўз назоратига олиши ҳам ижобий натижалар бермоқда.

Полигонга ўзиюрар тўплар дивизиони жамоаси ҳам амалиётга чиққан. Батарея командири вазифасини вақтинча ўтаётган лейтенант Акбар Аҳатов махсус тайёргарлик бўйича машқини бажариш мобайнида шартли душманнинг нишонларини аниқлаш борасида гуруҳ командири лейтенант Илҳом Алимов ўз маҳоратини кўрсатгани ҳақида гапириб берди. Шунингдек, мўлжалга олувчилардан оддий аскарлар ака-ука Ҳасан ва Ҳусан Ўзбековларни илғорлар қаторида атаб ўтди.

Кўриб турганингиздек, ёзнинг жазирама иссиғига қарамасдан, тўпчилар ўз касбий маҳоратларини оширмоқдалар. Демак, жанговар отиш машқига чиқилганда ҳар бир снаряд нишонни бехато уришига мустаҳкам пойдевор яратилмоқда.

Факт

## ПОЛИГОН НЕ ЗНАЕТ ПОКОЯ

В разгаре летнего периода обучения серьезные испытания по профессионализму и выучке приходится выдерживать воинскому коллективу окружной базы полевой подготовки войск, возглавляемому майором Неъматом Ахмеджановым. Личный состав данного подразделения провел большую подготовительную работу, благодаря которой удается выдерживать строгое соблюдение ритма боевой учебы прибывающих частей.

Для воинов-разведчиков, выполняющих нередко чисто специфические задачи в отрыве от основных сил, обычных сооружений, имеющихся на общевойсковом полигоне, порой бывает недостаточно. С учетом этого было построено новое направление, условно называемое «тропой разведчика». Поддерживающему порядок на объекте сержанту по контракту Кудрату Умурзакову во время приезда на полевые выходы разведчиков было приятно услышать положительные отзывы об установленных здесь приспособлениях.

Как правило, самым посещаемым объектом полигона является войсковое стрельбище. Поэтому начальнику стрельбища сержанту по контракту Абдукаххору Мамарахимову для поддержания в исправном состоянии подъемников и мишеней, электрооборудования надо неустанно трудиться. Его помощники операторы командного пункта рядовые Шерзод Курбонов и Санжар Раджабов переняли от опытного наставника немало секретов мастерства.

Начальнику танкодрома сержанту по контракту Ильхому Джураеву, помимо оборудования полосы препятствий, надо поддерживать ее в порядке, оперативно устраняя неисправности, неизбежные при обучении даже опытных механиков-водителей. А на директрисе боевых машин десанта (БМД) руководит работой выпускник окружной школы подготовки сержантов младший сержант по контракту Алексей Бойко, а помогают ему рядовые Матъякуб Азизов, Алишер Хакимов и Туйчи Джалилов. Солдаты гордятся тем, что вносят свой вклад в дело укрепления боевой готовности округа.

Комментарий

## ЗДЕСЬ СОБРАЛИСЬ ПРОФЕССИОНАЛЫ

По нашей просьбе рассказ о работе данного подразделения комментирует начальник отдела полигонов Управления боевой подготовки Объединенного штаба Вооруженных Сил подполковник **Аъзамжон ХАЙИТАЛИЕВ:**

— Конечно, при проведении проверки объектов общевойскового полигона были высказаны критические замечания. Об устранении некоторых из них уже получен доклад. Однако в целом у меня сложилось довольно благоприятное впечатление об этом коллективе. Считаю, что с поставленными задачами обеспечения полевой подготовки войск они справляются. Добавьте к самой работе на объектах и необходимость приема, размещения и питания в большом количестве прибывающего личного состава. Весь этот объемный труд требует немалых усилий и знания специфики полигонной работы.

Ёш офицерлар – Қуролли Кучларимиз келажаги

## БАТАРЕЯНИ БОШҚАРАЁТГАН БЕҲЗОД

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртини муваффақиятли тамомлаган лейтенант Беҳзод Хўжаев офицерлик хизматини бошлаганига атиги икки йил ўтди. Аммо шунга қарамасдан унга тўпчилар батареясига командирлик қилиш ишониб топширилгани ёш офицернинг келажакда истеъдодли сардор бўлиб чиқишига қисм қўмондонлиги катта умид боғлагани тушунилади.

Биз Беҳзод билан тўпчилар бўлинмасининг дала-ўқув машғулотлари жараёнида учрашдик. Тактика тайёргарлиги бўйича бўлиб ўтаётган машқда жанговар расчётларнинг ҳужумдаги ҳаракатлари синовдан ўтказилди. Бу ишни шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Мухтор Маҳкамов бошчилигидаги тўпчилар бўлинмаси ҳаммадан яхши ижро этди. Баҳорги чақирувда мазкур қисм сафига келиб қўшилган оддий аскарлар – Тиловмурод Тошев, Алишер Аннаев ва Хуршид Ҳайитовларнинг ҳарбий жамоага тез кўникиб кетишига расчётнинг механик-ҳайдовчиси, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Нуриддин Тошқўзиев ҳам ҳисса қўшган. Йигитлар тажрибали механик-ҳайдовчидан кўп нарсани ўрганди-лар. Жумладан, кичик сержант М.Маҳкамов ҳам округ сержантлар тайёрлаш мактабида таълим олган малакали мутахассис сифатида қўл остидаги аскарларга ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Ёш офицер сардорлиги остидаги ёш аскарлар касбий маҳоратини ошириш йўлида тинмай меҳнат қилишмоқда. Мазкур батарея шахсий таркиби катта лейтенант Акмалжон Мирзаев бошчилигидаги дивизион бошқарув гуруҳи билан мусобақалашмоқда. Ўта қизиқарли кечаётган баҳс натижалари кузда аниқ бўлади. Аммо Беҳзод тўпчиларига катта умид боғлаб, ғалабага эришиш учун астойдил интилмоқда.

МАТЕРИАЛЫ ПОЛОСЫ ПОДГОТОВИЛИ ПОДПОЛКОВНИК ЯРОСЛАВ КОРУКА (ФОТО) И МАЙОР АБЛАЙ КАМАЛОВ.

# МИЛЛАТ ОНАЛАРИ ТАРБИЯЛАГАН ШЕРЮРАКЛАР

Ҳарбийлар ўртасида Юртбошимизнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деб номланган рисоласи чуқур ўрганилмоқда. Майор Искандар Маллаев тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосари бўлиб хизмат қилаётган ҳарбий жамоа посбонлари бу борада ҳам биринчилардан ҳисобланишади. Шуни ҳам мамнуният билан айтмоқчиманки, шу йилнинг 30 июнидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскар, сержант ва офицерларни беҳад қувонтириб юборди. Келинг, яхшиси булар ҳақида уларнинг ўзларидан эшитинг.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ҳимойиддин Шоназаровнинг капитан Жаббор Раззоқов етакчилик қилаётган жамоада алоҳида ўрни бор. Касбга бўлган садоқати, берилган топшириқларни бекаму кўст уддалаши устоз офицерларнинг ҳақли эътирофига сазовор бўлса, ҳамиша сафдошлари учун ёрдамга шайлиги билан жамоадошларининг ҳурматини қозонган.

– Мен Ватан ҳақида, бурч ҳақида чиройли гаплар гапиришни билмайман, – дейди Ҳимойиддин Шоназаров. – Аммо бу нарса юртимни чин юракдан севиб, ардоқлашимга халақит бермайди. Ватанимга садоқат ҳисси юрагимдадир. Масъулиятли, шарафли касбни танлаганимдан мамнунман. Андижонда юз берган фожиали воқеалар мамлакатимиз истиқлолини, тинчлигини кўролмайдиган ёвуз кучлар ҳар дақиқа пайт пойлаб туришларини кўрсатди. Ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам кўра муҳимдир.

Ҳимойиддин беш йилдан бери ҳарбий хизматда. Ўтган йиллар ёш аскар йигитчанинг ҳаётида муҳим бурилиш ясаган, етук посбон даражасига кўтарган, сермазмун, жасоратга тўлиқ таҳликали кунлар синовидан матонат билан ўтолган ватанпарвар ўғлоннинг шаклланиш давридир.

Қаҳрамонлик ҳақида ҳар кимнинг ўз фикри бор, албатта. Олис Сариосиёда Қурбоной опа исмли аёл яшайди. Қаҳрамонликка унинг қандай алоқаси бор, деб ўйларсиз. Гап шундаки, опа ўн икки фарзанднинг онаси. Ўн икки инсон бугунги кунда оддийгина қишлоқ аёлининг меҳнатга йўғрилган тарбияси туфайли жамиятда ўз ўрниларини муносиб равишда топдилар. Ҳимойиддин бу оиланинг кенжа фарзанди. Бир этак болани миллат юкига елкадош қилиб тарбиялаган она, албатта, қаҳрамондир.

Кичик командир Улуғбек Қурбонов ҳам ана шундай оилалардан бирида тарбияланган. Ўн фарзандни оқ ювиб, оқ тараган деновлик Фотима опа бугун кенжатой ўғли Улуғбек билан ҳар қанча ифтихор қилса арзийди. Одоб-ахлоқи, интизоми, билимдон ва ғайратлилиги билан барчанинг ҳурмат-эътиборини қозонган посбон йигит ҳамиша илғорлар сафида. Айнан у каби посбон йигитлар туфайли взвод мусобақаларда етакчиликни қўлдан бермай келаётир.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 30 июндаги Қарори бизни беҳад руҳлантириб юборди, – дейди Улуғбек Қурбонов. – Бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан касбий маҳоратимизни тинимсиз ошира бориб, мустақил Ватан ҳимояси ишончли қўлларда эканини кўрсатамиз. Халқимизнинг тинч ва бунёдкорона турмушини ҳимоя қилишда ҳамиша огоҳ ва масъулмиз.

Капитан Асилбек Чинасилов етакчилигидаги тўпчилар дивизионида маҳоратли посбонлар талайгина. Улардан бири жанговар машина командири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Дилмурод Ҳамроев. Ҳарбий жамоа ёзги ўқув мавсуми машғулотларида етакчиликни бошқаларга бермоқчи эмас.

– Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деб номланган рисоласини катта қизиқиш билан ўргандик, – дейди кичик командир Дилмурод Ҳамроев. – Рисолани ўрганар эканмиз, Юртбошимизнинг қуйидаги фикрларидан қаттиқ ҳаяжонландик: «Мамлакатимизнинг, халқимизнинг тинчлиги, осойишталиги, эртанги куни қандай бўлиши шу юртда яшаётган инсонларга, ҳар биримизга боғлиқ». Бундан шундай хулоса чиқардик – биз она Ўзбекистон тинчлиги, осойишталиги, эртанги куни учун ҳаммадан кўра кўпроқ масъулмиз. Чунки биз – ҳимоячилармиз. Биз содиқлик ҳақида чин юракдан Ҳарбий қасамёд қабул қилганмиз.

Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани Қоратош маҳалласида истиқомат қилувчи Башорат опа ўғлига яхши ниятлар билан дилдаги муродимга етказсин, дея Дилмурод исмини қўйганди. Бугун онанинг покиза ниятлари амалга ошган. Нафақат Дилмурод туфайли, балки бир-биридан ақлли, меҳнаткаш, ҳалол, тарбияли ўн икки фарзанди туфайли пиру бадавлат хонадоннинг фариштамонанд бекаси ҳақли равишда чексиз меҳр ва ҳурматга лойиқдир. Миллатнинг бундай фидойи оналари ҳамиша шерюракларни вояга етказишади.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Баҳодир Обидов майор Дониёр Нуралиев етакчилик қилаётган зенитчилар дивизионида хизмат қилади. Сурхондарёликлар ҳақида гап кетганда уларга, оддий ва самимий кишилар, дея таъриф берилади. Ва бу таъриф айни ҳақиқатга мосдир. Кичик командир Баҳодир Обидов вилоятнинг Қумқўрғон туманидан. Соатмурод ака ва Ойбаланд опалар тўнғич фарзандлари билан ҳамиша фахрланиб юрадилар. Оилада яхши тарбия кўрган йигит ҳарбий хизматда ҳам барчага намуна бўлди. Муддатли ҳарбий хизматни чегара қўшинлари сафида шараф билан ўтаган посбоннинг ота-онаси номига, ўқиган мактаби ва улғайган маҳалласи номига шундай ватанпарвар йигитни тарбиялаб вояга етказганлари учун қисм қўмондонлигининг миннатдорчилик мактублари борди.

Баҳодир чегарада хизмат қилиш жараёнида ҳаётини армия билан боғлашга аҳд қилди. Айни кунларда танлаган шарафли касбидан чексиз қониқиш ҳосил қилган ҳолда ҳарбий жамоанинг энг илғорлари сафида бормоқда.

– Мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматимизнинг биз, ҳарбийларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлигидан беҳад мамнунмиз, – дейди Баҳодир Обидов. – Бундай эътибор ва ғамхўрликни жавобсиз қолдирмаймиз. Ватан олдидаги фарзандлик бурчимизни шараф билан ўтаб, садоқатимизни ҳар жабҳада намоён қилишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Юртимиз полвонлари билан ҳар қанча ифтихор қилса арзийди. Сурхон замини эса полвонлари билан алоҳида ажралиб туради. Баҳодир ҳам болаликдан кураш тушиб, аждодлар анъанасини давом эттириб келмоқда. Полвонлар эса биламизки, ҳамиша бир сўзли, мард ва танти бўлиб келишган.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ўктам Расулов капитан Дониёр Турсунбоев жамоасида гуруҳ командирининг ўринбосари вазифасида хизмат қилади. У аскарлар билан ишлайди. Улар билан ишлаганда кичик командирнинг ўзи шахсий намуна кўрсата билиши зарур. Шу сабабли посбон йигит ўқиб, изланишдан, касбий маҳоратини ошириб боришдан чарчамайди.

Ўктам Узун туманида оддий деҳқон оиласида вояга етган. Тожибой ва Руҳманой Расуловлар фарзандларининг барчасини ўзбекона миллий эзгу анъаналаримиз руҳида тарбиялаганлар. Ана шундай тарбия туфайли ўғиллари Ўктам катта ҳарбий жамоада ўзига хос ҳурмат-эътиборга сазовор. Изланувчан, ҳалол, меҳнаткаш йигит ҳарбий соҳада ҳали кўп муваффақиятлари билан яқинлари ва сафдошларини мамнун қилиши шубҳасиз.

– Ҳозирги давр барчамиздан улкан масъулият, огоҳлик ва ҳушёрликни талаб қилади, – дейди Ўктам Расулов. – Юртбошимизнинг китобларини ўрганар эканмиз, деярли барчасида ҳушёрлик ва огоҳликка даъватни ҳис қиламиз. Ва ўз навбатида жиддий хулосалар чиқарамиз. Биз халқ номидан сўзловчи ана шу инсонга – Президентга, она Ватанга садоқат онтини қабул қилганмиз. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди, деган ҳаётбахш сўзлар шарафли хизматимизнинг мазмун ва моҳиятини белгилаб туради.

Ҳар бирининг қалбида она юртга чексиз муҳаббат ва садоқат ҳислари жўш уриб турган шерюрак ўғлонларнинг Ватан ҳимояси йўлидаги машаққатли, шу билан бирга шарафли хизматларида миллат оналарининг дуоларию дунёга донғи кетган жасур бобокалонларининг унутилмас жасоратлари руҳий қувват бўлсин!

**Инобат ИБРОҲИМОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Олим АКБАРОВ олган суратлар.**

# Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

# САМОДАГИ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНЛАРИМИЗ

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг ташкил топганига ўн йилдан ошиб қолди. Ўн йил эҳтимол, жуда қисқа фурсатдир. Аммо билим юрти учун, унинг битирувчилари, жамоаси учун бу мазмундор йиллар тарихга айланиб улгурди. Олий даргоҳ Қуролли Кучларимиз учун етук мутахассислар тайёрлашда ўзининг улкан ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ёш мустақил давлатимизда истиқлолнинг илк тотли меваларидан бири сифатида ташкил топган билим юрти бугунги кунда бир қатор маҳоратли ҳарбий мутахассислари билан ҳақли равишда фахрланади. «Жасорат» медали соҳиби, моҳир учувчи майор Фарҳод Ғаниев ҳам ана шу билим юртининг илк битирувчиларидан. Қуйидаги лавҳамиз ўзбекнинг ўзгалардан кам эмаслигини фидокорона хизматлари билан намойиш этган офицер йигитга бағишланади.

Яқин ўтмишимиз ҳали кўпчиликнинг хотирасида, албатта. Бепоён пахта далалари устидан заҳри қотил сочиб учадиган самолётларни яхши эслаймиз. Болалик тасаввуримиз осмондан сочилаётган бутифоснинг зарарли оқибатларини (бу эндиликда ҳеч кимга сир эмас) ўзида сингдира олмаган. Биз учун энг муҳими, пастлаб учаётган самолёт эди. Уни яқиндан кўраётганимиз, шовқинли овози ҳаммамиз учун завқли эди. Пўлат қанотли қуш бажараётган кўнгилсиз вазифасига қарамай мафтункор эди. Ана шу ҳолатда ҳам мурғак қалбларда уни бир мартагина бошқариш истаги жўш урмаган, деб айта олмаймиз.

Учтепа юртимиздаги барча қишлоқлар каби оддийгина, унчалик ҳам фарқли бўлмаган қишлоқ. Қишлоқ яқинида жойлашган самолётлар учиб қўнадиган жой (аэропорт эмас, аэродром дейилса ҳам оширворган бўламиз) кўплаб болалар учун сирли, мўъжизакор маскан эди, десак янглишмаймиз. Айнан шу ердан учадиган самолётлар ака-ука Тоҳиржон ва Фарҳод кўнглида учувчи бўлишдек эзгу ниятни уйғотди.

Ака-укаларнинг иккиси ҳам учувчи бўлишди. Учувчи бўлишди, деб айтишдан осони йўқ, албатта. Бунинг орқасида тинимсиз ўқиб-изланиш, машаққатли меҳнат ётишини ҳаммамиз ҳам англаб етавермаймиз.

Фарҳод хизматчи оиласида вояга етган. Онаси Тожихон опа мактабда муаллима. Муаллимлар ҳар қандай даврда жамиятнинг энг ҳурматли инсонлари ҳисобланишади. Муаллимнинг оиласи ҳам ўзи каби ҳурматга сазовор бўлиши керак. Алижон ака ва Тожихон опанинг ана шундай тарбияси бугун ўз мевасини берди. Бугунги кунда ака-ука учувчилар билан бутун Учтепа аҳли фахрланади. Оилада тўрт фарзанд ҳам ота-оналари истаганидек эл-юртга, жамиятга керакли инсонлар бўлиб улғайишди. Улар учун бундан ортиқ бахт бўлиши мумкинми? Бундай тўкислик барчага насиб этсин.

Илк парвоз… Буни тасвирлаб, изоҳлаб бериш қийин.

– Фақат бир нарсани аниқ айтишим мумкин, – дейди учувчи Фарҳод Ғаниев. – Парвозда оҳанрабо бор, бутун борлиғингни эгаллаб олгувчи сеҳр мавжуд. Илк марта парвоз қилиб, ҳаётимни усиз тасаввур қила олмайдиган бўлиб қолдим. Бу ёлғиз менинг фикрим эмас, назаримда, учувчиларнинг ҳаммаси шундай ўйлайдилар. Биринчи бор осмонга ҳурматли устозимиз Ренат Акчурин билан бирга парвоз қилганмиз. Ҳақиқий учувчи, катта салоҳият эгаси бўлган бу инсондан бир умр миннатдорман.

Илк парвоз… иккинчи, учинчи… Шу тариқа маҳорат сайқаллана бошлади. Фарҳод бошқарилиши мураккаб бўлган замонавий реактив самолётларда парвоз қила бошлади. Бу ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Ўз устида ишлай билган, мураккаб синовларга ҳамиша тайёр турган ва енгиб ўтолган, метин ирода эгаси бўлган кишиларгина учувчи деган шарафли номга лойиқдирлар. Бундай мураккаб жараён ҳаммаслаклар, устозлар кўмагида енгиллашади. Халқимизда «Устозидан ўзган шогирд» деган ибора бор. Фарҳод ҳали ёш. Бироқ ҳарбий жамоада уни билимдон офицер, ақлли маслаҳатчи, ҳақиқий дўст сифатида яхши биладилар. Хизмат фаолиятининг дастлабки кунларида оқилона маслаҳатлари-ю дўстона ёрдамини дариғ тутмаган тажрибали учувчи подполковник Игорь Мордовиндан ҳамиша миннатдор.

– Қисмда хизмат қилаётган йигитларнинг кўпчилиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг илк қалдирғочларидир, – дейди биз билан суҳбатда подполковник Алишер Турдиев. – Мустақилликнинг дастлабки йилларида бўладиган қийинчиликларга қарамасдан олий даргоҳ ўз олдига қўйган эзгу мақсадларини амалга ошира олди. Дастлабки битирувчилари айни кунларда моҳир учувчилар сифатида шаклланиб улгурдилар. Майор Фарҳод Ғаниев ана шундай само лочинларининг етакчиси, дея эътироф этилади.

– Фарҳод ва унинг сафдошлари изланувчан, меҳнаткаш, саботли эканликлари билан ажралиб турадилар, – дейди эскадрилья командири подполковник Аҳмад Турсунов. – Энг қийин вазиятларда ҳам ўзларини йўқотиб қўймайдилар. Фарҳод каби вазиятни тўғри баҳолай биладиган, жасур, ҳамиша ёрдамга шай ишончли дўстлар ҳар доим ҳурмат-иззатга лойиқдирлар.

Майорлар урганчлик Бахтиёр Отажонов, фарғоналик Мурод Раҳимов, шаҳрисабзлик Толмас Мардонов, қўқонлик Авазбек Ҳотамқуловлар Фарҳоднинг сафдошларидир. Уларнинг ҳар бири она юрт осмонини мустаҳкам қалқон каби ҳимоя қилишда ўз жонини хатарга қўйишдан заррача бўлсин чўчимайдилар.

Тинимсиз ўқиб-изланиш, ўз устида ишлаш кўзланган натижаларни бериб, уни маҳоратли офицерлар сафига қўшди. Тажрибали учувчининг бугунги кунда ўз шогирдлари бор. Катта лейтенантлар – Набижон Маҳмедов, Руфат Турғунов, лейтенант Темур Байгилдинлар устозлари номини чексиз ҳурмат ва фахр билан тилга олганларида Фарҳод давлатимизнинг юксак мукофотига бежиз сазовор бўлмаганлиги кўнглингиздан кечади.

Фарҳоднинг рафиқаси муаллима. Умида билан турмуш қурганларига кўп вақт бўлгани йўқ. Бу ёш оиланинг ҳаётида қувончли кунлар ҳали жуда кўп бўлади. Учувчи йигит Ватанимизнинг бундан-да юксак мукофотларига сазовор бўлса ажаб эмас. Фарҳод ва унинг сафдошлари миллатимиз ўғлонларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигини оламга кўз-кўз этмоқдалар, дейишга ўзимизни ҳақли деб биламиз.

**Инобат НОДИРШОҲОВА.**

# Сержантлар – армиямизнинг суянчи ва таянчи

# ЖАВОБИМИЗ – САДОҚАТЛА ХИЗМАТ ҚИЛИШ

Командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Зоҳид Исроилов хизмат қилаётган ҳарбий жамоа Марказий ҳарбий округнинг энг илғор қисмларидан бири ҳисобланади. Бу ҳам бўлса касбига садоқатли, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, маънавий ва жисмонан баркамол, фидойи посбонларнинг кўплиги туфайлидир. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Истамжон Иномов ҳам ана шундай посбонлардан биридир.

Ҳарбий жамоада масъулиятли вазифада хизмат қилаётган Истамжон барча билан осон тил топишади. Бу эса жанговар хизматда муваффақият қозониши учун қўл келмоқда. Чунки билмаганларини бемалол тортинмасдан сўраш учун ҳам ўринли муомала қила билиш керак. Истамжон бугунги кунда ўзи ҳам бошқаларга ёрдам, керак вақтда маслаҳатлар бера оладиган, тажрибали кичик командирлардан бири саналади.

Миллий армиямизнинг замон талабларига тезроқ мослаша бориши унда хизмат қилаётган кўплаб фидойи посбонларга ҳам боғлиқдир. Ҳозирги давр кичик командирдан кучли масъулият, интеллектуал салоҳият, ташкилотчилик қобилияти юқори бўлишини талаб этади. Айни кунда ҳарбий жамоада барчанинг ҳурматини қозониб, ўз ўрнини муносиб равишда топган Истамжон Иномов буни жуда теран тушунади.

Хабарингиз бор, шу йилнинг 30 июнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Ушбу қарорни ҳарбийларимиз зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Бу ҳақда қаҳрамонимиз шундай фикр билдиради:

– Мазкур Қарор Юртбошимизнинг Ватан ҳимоячиларига доимий эътибор ва ғамхўрлигининг амалдаги исботидир. Ижтимоий ҳимояланган ҳарбийнинг хизматида муваффақиятлар янада кўпроқ бўлади. Муваффақиятга эришаётган ҳарбийлар эса юксак жанговар шайликни таъминловчи асосий кучдир. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътиборга жавобан халқимиз осойишталиги, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашда бор куч-ғайратимизни ишга солиб хизмат қиламиз.

Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда кичик сержант Истамжон Иномов каби посбонларимизнинг ҳам ўз ўрнилари бор. Энг замонавий ҳарбий техника, қурол-яроғлар инсон тафаккури маҳсули бўлиб, фақат инсон измигагина бўйсунадилар. Шундай экан, уларни бошқариш, ўрганиш, сақлаш ҳам посбондан катта уқув ва маҳорат талаб қилади. Ҳаётини армия билан чамбарчас боғлаган посбон йигитларимиз эса бу йўлда ҳормай-толмай хизмат қилишга аҳд қилганлар.

**Ирода ЗАКАРИЁЕВА.**

# ВАТАН ҲИМОЯЧИСИГА ҒАМХЎРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йилнинг 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскар, сержант ва офицерларни беҳад руҳлантириб юборди.

Қарорга мувофиқ, Тошкент шаҳрида ижарада турган шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар энг кам иш ҳақининг тўрт бараваригача миқдорда, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида ижарага турган шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар энг кам иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда, шаҳарлар, туман марказлари ва аҳоли пунктларида ижарада турган шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар энг кам иш ҳақининг икки бараваригача миқдорда ҳар ойлик пул компенсацияси билан таъминланадиган бўлишди. Бундан ташқари, оила аъзолари уч киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда ҳарбий хизматчиларнинг ушбу пул компенсацияси миқдори 50 фоизга оширилади.

Мазкур Қарор Юртбошимизни Ватан ҳимоячиларига доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётганлигининг амалдаги исботидир.

Маълумки, ижтимоий ҳимоя қилинган ҳарбий кишининг кўнгли тинч бўлади, хизматга бор куч-ғайрати, имкониятини ишга солиб киришади. Демак, халқ, Ватан тинчлиги учун қўлидан келган барча ишларни қилади, тинмай касбий маҳоратини оширади. Халқимиз Ватан ҳимояси ишончли қўлларда эканлигидан хотиржам бўлиб, эзгу, бунёдкорлик ишларини авж олдиради.

Чексиз эътибор ва ғамхўрликка жавобан Ватанимиз посбонлари ўз бурчларини ўташга янги куч, янги ғайрат билан ёндашмоқдалар. Оталарча ғамхўрлиги ва доимий эътибори учун Президентимизга, ҳукуматимизга ўз миннатдорчиликларини изҳор этишмоқда.

**Адлия майори**
**Суюн ЧОРИЕВ.**

# Мувофиқлаштирувчи кенгаш

# ҲАРБИЙЛАР МУҲОФАЗАСИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Яқинда Марказий Офицерлар уйида «Тошкент ҳарбий округига бўйсунувчи қўшилмалар, ҳарбий қисмлар ва муассасаларда 2005 йилнинг 1-ярим йиллик якуни бўйича ҳарбий интизом, ҳуқуқ-тартиб ва қонунчиликка риоя қилиш ҳолатларининг таҳлили, шунингдек, ҳарбий интизом, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш борасида» мавзусида мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғини бўлиб ўтди. Унда мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари билан бирга Тошкент ҳарбий гарнизони ҳудудида жойлашган барча ҳарбий қисм, қўшилма қўмондонлари ва уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

Кенгаш кун тартибида икки асосий масала кўрилди. Булар:

«Тошкент ҳарбий округига бўйсунувчи қўшилмалар, ҳарбий қисмлар ҳамда муассасаларда 2005 йилнинг 1-ярим йиллик якуни бўйича жиноятчилик аҳволи, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳарбий хизматчиларнинг соғлиғини ва ҳаётини сақлаш борасидаги тадбир-чоралар»;

«Тошкент ҳарбий округига бўйсунувчи қўшилмалар, ҳарбий қисмлар ҳамда муассасаларда 2005 йилнинг 1-ярим йиллик якуни бўйича ҳарбий интизом, ҳуқуқ-тартиб ва қонунчиликка риоя қилиш ҳолатларининг таҳлили, шунингдек, ҳарбий интизом, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш борасида» номли масалалардир.

Кенгашда кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан иштирокчиларга маърузалар қилинди. Шундан сўнг турли қўшин командирлари ва тарбиячи офицерлар сўзга чиқишиб, тартиббузарлик, жиноятчилик таҳлиллари ва уларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида йиғилиш иштирокчиларига маълумот берди. Шунингдек, мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоларининг кун тартибида кўрилаётган масала юзасидан фикрлари тингланди.

Тадбир сўнгида ҳарбий қисм ва жамоаларда тартиб-интизомни янада мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳарбий хизматчиларнинг муҳофазасини таъминлашни янада кучайтириш борасида қарор қабул қилинди.

**Лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# ЮКСАК ЖАНГОВАР ШАЙЛИК ЙЎЛИДА

Инсон қадами етган жойда ўзига қулайлик яратишга интилади. Қақраган чўл бағрида ҳам яшиллик, боғ-роғлар яратиш миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган одат бўлса керак. Бундан бир неча йиллар муқаддам бу ерда фақат ҳарбийлар учун бинолар мавжуд эди. Ҳозирга келиб эса замонавий усулда жиҳозланган меҳмонхона, аскарлар ётоқхоналари, кўпчиликка мўлжалланган ошхона, машғулот заллари ва спорт шаҳарчасига эга, катта ободончилик ишлари олиб борилган дала-ўқув машғулотлари базасига айланган.

Бу ернинг иссиқ иқлим шароитида битта дарахт парваришлаб, ўстириш катта гап. Инсон қўлларини бекорга гулга қиёс қилишмайди. Бунда нафақат дарахтлар, балки анвойи гулларнинг яшнаб турганини кўриб, кўзингиз қувнайди.

Машғулотларнинг биридан бирини устун қўйиш ноўрин, албатта. Шундай бўлса-да, жисмоний тайёргарлик машғулотлари турли мусобақалар билан бойитилиб, ўзгача кўтаринкиликда ўтади. Ҳарбий жамоалар билан ўтадиган спорт мусобақаларида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Учқизил тумани бўлими билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу ерда ўтадиган футбол беллашувлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Кескин ва муросасиз баҳсларга бой қўл жанги мусобақаларида капитан Темур Жумаев етакчилик қиладиган ҳарбий жамоага тенглашадиган рақиблар ҳозирча йўқ.

Яқинда жамоада ҳайдовчиларнинг бир неча кунлик йиғини бўлиб ўтди. Йиғин қатнашчилари илк марта дала-ўқув машғулотларида иштирок этиш олдидан бу ерда амалий жараённи ўтадилар. Бу ҳақда йиғин бошлиғи майор Шавкат Эшчанов шундай дейди:

– Йиғинда иштирок этаётган посбонлар ҳарбий хизматга қадар махсус курсларда ҳайдовчилик мутахассислигини эгаллашган. Уларда амалий кўникмаларни янада ошириш мақсадида мазкур йиғин ташкил қилинган. Қисқа муддат мобайнида ҳайдовчи посбонлар жанговар машиналарни мукаммал бошқариш билан бирга, уларни сақлаш, таъмирлаш, ҳар қандай вазиятда ҳам шай ҳолатда тутишни ўрганадилар. Бундай жиддий жараёнга шу соҳанинг энг илғор мутахассислари жалб қилинган. Ўқув взводи командири капитан Умид Толибжонов, гуруҳ командири капитан И.Болтаев, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Б.Сафаров, ўқув жанговар машиналари гуруҳи командири лейтенант Бахтиёр Аҳмедов, ўқув жараёнини таъминлаш взводи йўриқчи механик-ҳайдовчиси шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Абдували Раҳимовларни шулар жумласига киритиш мумкин. Йиғиндан кутилган натижалар талаб даражасида бўлиши учун бу ерда барча шароитлар кўнгилдагидек яратилган.

Бир неча кунлик йиғин ўз фаолларини ҳам аниқлаб улгурди. Оддий аскарлар – Т.Шералиев, В.Муртазин, М.Мавлонов, И.Меҳмоновлар илк кунларданоқ ўз иқтидорларини намойиш этиб, устоз офицерлар эътирофига сазовор бўлдилар. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Панжи Холмўминов етакчилигидаги гуруҳ посбонлари ҳам маҳорат бобида сафдошларига ўрнак бўлмоқдалар. Оддий аскарлар – Жасур Сулаймонов, Толмас Эргашев, Дилшод Абдуғаниевларнинг намунали хизматлари таҳсинга лойиқ.

Дала-ўқув машғулотлари базаси жанговар тайёргарликнинг юксак даражада бўлишини таъминлайди. Зеро, бугунги куннинг талаби ҳам жанговар қобилияти юксак, ихчам ва ҳаракатчан миллий армиямизни шакллантиришдир.

– Режалаштирилган машғулотларни юксак савияда ташкил қилиш учун барча имкониятларни сафарбар этаяпмиз, – дейди подполковник Носирулло Юсупов. – Каттагина китоб фондига эга кутубхона шахсий таркиб хизматида. Сурхондарё вилоят ва шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган турли қизиқарли тадбирлар посбонлар руҳини янада кўтаришда, маънавиятлари юксалишида катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Халқ ва армия якдиллиги ана шундай тадбирларда яққол намоён бўлади, аслида. Ўқув машғулотлари базасида олиб борилган улкан ишларни битта мақолада кўрсатиш мушкул, албатта. Барча тайёргарликларни бу ерда яратилган шароитлар сабаб аъло натижалар билан якунлаган ҳарбий жамоалар полигонда амалга оширилган ишлар бекорга эмаслигини яққол кўрсатадилар. Барча муваффақиятларини энг азиз ва энг улуғ байрам – муборак Мустақиллик санасига бағишлаган катта ҳарбий жамоага омад ёр бўлсин.

**Назокат ЗИКРИЛЛАЕВА.**

Муносабат

# МУСТАҚИЛ ЮРТНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

**Барчамизга маълумки, шу йилнинг 14 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Андижон шаҳрида содир бўлган воқеалар муносабати билан мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди.**

**– Айрим давлатларнинг Марказий Осиё минтақасига демократияни мажбуран ўрнатишга уринишидан учинчи куч фойдаланиб қолиши мумкин, – огоҳлантирди Ислом Каримов. – Бу куч – ислом динини ниқоб қилиб олган ёвуз ниятли радикал оқимлардир.**

Давлат раҳбарининг бундай огоҳлантириши ғоят ўринлидир. Аҳолисининг 80 фоизи мусулмонлардан иборат минтақамизда нотинч ва таҳликали вазият турли диний ақидапарастлар, экстремистик кучлар учун қўл келиши мумкин.

Ислом – эзгулик билан йўғрилган, яхшилик, меҳр-оқибат заминида илдиз отган покиза, мусаффо дин. Ана шу диннинг бугун ёвуз кучлар қўлида ниқоб сифатида қўлланилаётгани баъзи ёшларнинг кўр-кўрона тўғри йўлдан тойиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Профессионал асосда шакллана ётган миллий армиямиз сафларида асосан ёшлар хизмат қиладилар. Улар мамлакатда содир бўлаётган ҳар бир воқеани ўзимга, тақдиримга дахлдор деб биладиган уйғоқ қалбли посбонлардир.

– Андижон шаҳрида юз берган фожиа барчамизни ташвишли ҳаяжонга солди. Мамлакатимиз раҳбарининг ҳар бир чиқишини алоҳида диққат-эътибор билан тингладик. Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан тергов ишлари олиб борилаётганидан хабаримиз бор. Бундан ташқари парламентнинг қуйи ва юқори палаталаридан вакиллар киритилган Олий Мажлиснинг мустақил комиссияси иш олиб бормоқда. Шундай бўлса-да айрим хориж матбуоти вакилларининг нохолис фикрлари миш-мишлар кўпайишига сабаб бўлди. Нохолислик билан турли уйдирма ва бўҳтон тарқатиб, айниқса, солган баъзи хорижий оммавий ахборот воситаларига жавобан Республика Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари бутун миллатнинг, халқнинг кўнглидаги гап бўлди: **«Халқаро текшириш ўтказиш ҳақидаги фикрга қайтадиган бўлсак, бир гапни алоҳида таъкидламоқ лозим, деб ўйлайман. Ўзбекистон – мустақил мамлакат. Унинг ўз давлат тузуми, ҳукумати, халқ сайлаган парламенти ва Президенти бор. Шундай экан, нега энди четдан кимлардир келиб текшириш ўтказиши керак».**

Мустақил мамлакатнинг мустаҳкам таянчи – миллий армиямиз бугун ҳар томонлама такомиллашмоқда. Чунки, дунё ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият, диний экстремизм ва фундаментализм, террор ҳаракатларининг кучайганлиги ҳарбий ислоҳотларнинг изчиллигини, ҳарбий сиёсатда пухта ўйланган аниқ ишларни амалга оширишни талаб этади.

Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар олдимизга муҳим ва масъулиятли вазифаларни қўяди. Сержантлар тайёрлаш мактаблари ҳам миллий армиямизда ислоҳотлар меваси сифатида ташкил топди. Бугун бу даргоҳда шарафли касбга меҳр қўйган, ўз ўрнини профессионаллашув сари дадил одимлаётган армиямиз сафларида, деб билган фидойилар таҳсил олишади.

Замон талабларига мос, тезкор, яхши таъминланган, ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам дадил ҳаракатлана оладиган армия сафларидаги посбонлар нафақат жисмоний жиҳатдан, балки маънавияти ҳам юксак, комилликда тенгсиз бўлишлари зарур. Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафининг ниҳоятда жиддий, танловлар йўли билан бутланаётганлиги ҳам бежиз эмас. Сержантлар тайёрлаш мактаби шахсий таркибида ҳам мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг уйғоқлик ва огоҳликка даъват бўлган «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деб номланган рисоласи ўрганиб чиқилди. Рисолани чуқур ўрганишга бағишланган давра суҳбатлари ташкил қилинди. Китобда мамлакатимизнинг мустақиллигига, ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсати, тенглар ичра тенглигига алоҳида аҳамият қаратилган.

Кейинги йилларда пойтахтимизда, Тошкент, Сурхондарё вилоятларида ва Андижон шаҳрида террорчи ва экстремист гуруҳлар томонидан содир этилган фожиали воқеалар Қуролли Кучларимизда ҳарбий тартиб-интизомни янада мустаҳкамлаш, ҳушёрлик ва огоҳликни ошириш, жанговар шайликни юксак даражага кўтариш зарурлигини кўрсатди. Ҳозирда бу борада аниқ режалар асосида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ишончимиз комилки, Қуролли Кучларимиз ҳамиша мустақил юртимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиб қолади.

**Подполковник Шавкат ЎРИНОВ,**
**Қарши сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғи вазифасини бажарувчи.**

# ЁШЛАР ТЕРРОРИЗМНИ ҚОРАЛАМОҚДА

**12-13 май кунлари Андижон шаҳрида содир этилган воқеаларга нисбатан ўз муносабатини билдирганлар қаторида қўшни Фарғона вилояти ёшлари алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. «Камолот» республика ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими раисининг ўринбосари Тоҳиржон ШОКИРОВ билан суҳбатимизда ушбу мавзуга асосий эътибор қаратилди.**

**– Тоҳиржон, Қўқон давлат педагогика институтининг талабалари томонидан Юртбошимизга юборилган Мурожаатномасини вилоят ёшларининг ушбу воқеаларга бўлган муносабати сифатида жамоатчилик катта қизиқиш билан қабул қилди. Яна қандай амалий ишлар олиб борилмоқда?**

— Талабалар зиёлилар қавмининг бўлажак аъзолари сифатида бундай машъум воқеаларга муносабат билдирганлар ўртасида биринчи бўлишлари – табиий ҳолат. Бир тўда ғаниллар томонидан амалга оширилган қўпорувчилик ишлари вилоят ёшлари томонидан кескин қораланмоқда. Мактаблар, коллежлар ва олий билим юртлари жамоаларида илғор ёш фарғоналиклардан тузилган махсус гуруҳлар билан чиқишлар қилинди. Ушбу учрашувларда халқаро терроризм ва диний экстремизм балоси дунёга қандай хавф-хатар етказаётгани ҳақида фикрлар айтилди.

**— Мазкур гуруҳда тўпланган йигит-қизларни яқинроқ таништириб ўтсангиз...**

— Улар асосан, таниқли спортчилар, Президент стипендияси совриндорлари, Зулфия номидаги стипендия соҳибалари. Масалан, таэквондо бўйича жаҳон чемпиони Бобобек Казаков террорчилар номардлик қилиб, гаровга олинган бегуноҳ инсонларни қалқон қилиб олганлиги ҳақида гапирган бўлса, Фарғона давлат университети талабаси, Президент стипендияси совриндори, бўлажак физик, Ваҳобжон Расулов диний экстремизм жамият равнақига қандай салбий таъсир кўрсатаётганига эътиборини қаратди. Ушбу университетнинг яна бир талабаси, Зулфия номидаги стипендия совриндори Наргиза Охунова эса ёш ҳамшаҳарларини огоҳ бўлишга, ҳар қандай дин ниқоби остидаги «даъватчилар»нинг сўзларига алданиб қолмасликка чорлади.

**— Ҳатто кичкинтойлар ҳам тарғибот-ташвиқот ишларидан четда қолмаяпти экан.**

— Ҳа, ёзги мавсумда болалар соғломлаштириш масканларига ҳам бизнинг гуруҳимиз боришганди. Болажонларнинг оромгоҳларда дам олиш шароитлари билан танишиб чиқиш билан биргаликда, уларга ҳам диний экстремизм ва терроризм тинч аҳоли ҳаётига қандай зарар етказаётгани ҳақида суҳбатлар ўтказилди. Жумладан, «Олмазор», Охунбобоев номидаги оромгоҳларда Зулфия стипендияси соҳиби Гулзода Ёрбоева, Президент стипендияси совриндори Воҳиджон Одилов, Тошкент тиббиёт институти Фарғона филиалида таҳсил олаётган иқтидорли талаба Раъно Умрзоқовалар болажонлар олдида мазмунли суҳбатлар уюштиришди. Яқинда Фарғонада ўтказилган «Аёл оламни тебратар» шиори остидаги концерт-манифестида ҳам ёшлар фаол қатнашди.

**Майор А.НУРОВ суҳбатлашди.**
**К. СЛАВИН олган сурат.**

ПО СТРАНИЦАМ СМИ: «ТРУД»

# АНДИЖАН В АНГЛИЙСКОМ ЗЕРКАЛЕ

**Вообразите себе картину. Лондон. 7 июля. Спасатели убирают тела после взрывов. Врачи оперируют раненых. Полиция лишь начала собирать улики. И тут по новостным каналам звучит выступление Президента Узбекистана, который говорит, что немалая вина за случившееся лежит на властях Великобритании. А значит, надо создать международную комиссию – пусть она расследует все происшедшее и укажет правительству и лично Тони Блэру, что именно им надлежит изменить в своей политике.**

Вы скажете: такое заявление – бред. Между тем, это всего лишь зеркальное переложение заявления британского МИДа, сделанного по горячим следам андижанского мятежа в ночь на 13 мая.

Наверное, в действиях узбекских властей действительно можно найти ошибки. Но разве сами британские власти безгрешны? Например, многие полагали, что отсутствие террористических актов на британской территории вызвано негласным договором с экстремистскими группировками (в первую очередь исламистского толка). Поэтому мол и скопились на туманном Альбионе толпы теоретиков и практиков террора.

Если такой договор и впрямь существовал, взрывы его перечеркнули. Это можно было предсказать заранее. Политические преступники не соблюдают обещаний. Да и больно уж разнообразны – точнее «разнообразны» – экстремисты, и слишком велики амбиции каждого из них, чтобы можно было полагаться на их слова.

Впрочем, подлинные причины лондонских взрывов рано или поздно установит расследование. Скотленд-Ярд даже в рассказах о Шерлоке Холмсе выглядел далеко не самой глупой в мире полицией. А уж в реальности в его выводах вряд ли усомнятся даже самые пристрастные оппоненты нынешней британской власти.

Но ведь в Андижане идет следствие. Конечно, узбекские криминалисты не снискали себе столь блистательных лавров, какими наделили свою полицию Артур Конан Дойл и Агата Кристи. Но можно не сомневаться: событиями, опаснейшими за всю новейшую историю Узбекистана, занимаются лучшие специалисты страны.

Более того, власти уже заявили, что все материалы расследования – за неизбежным исключением государственных секретов, раскрытие которых поставило бы под угрозу всю систему безопасности страны, – будут максимально доступны общественности. Значит, независимые эксперты со всего мира смогут перепроверить – и при необходимости уточнить – выводы узбекских следователей.

А вот независимого ведения иностранного следствия на своей территории Узбекистан действительно не позволил. Как не позволяет его ни одно суверенное государство. Это общемировая норма.

Казалось бы, почему не дать возможность иностранцам провести свое расследование? В конце концов, любой иностранец, приехав в страну, может без помех расспрашивать кого угодно и о чем угодно.

Но между расспросами и следствием есть принципиальная разница. Лишь следователь наделен правом не только спрашивать, но и наказывать за уклонение от ответа, не говоря уже о лжи. Дать иностранцам право вести следствие – значит отдать своих граждан под чужое принуждение. Принуждение во многом слепое – иностранные следователи знакомы далеко не со всеми местными особенностями. Принуждение, не пресекаемое судом, – следователи, как и любые иностранцы, местному суду почти неподвластны. Таким образом, отказ в международном расследовании защищает не власти, а рядовых граждан.

Впрочем, в андижанских событиях многое было ясно еще до начала любого расследования. Слишком уж очевидны действия вооруженных мятежников. Первыми их шагами стали массовые убийства. Причем убийства сотрудников правоохранительных органов – а это во всем мире признано одним из тягчайших видов насилия и карается с особой строгостью. Да и захват мест лишения свободы, чтобы выпустить на волю кого бы то ни было, рассматривается как покушение на основы общественного порядка.

Так что, в скоропостижном британском заявлении осуждены не просто законные действия суверенного государства. Британским политикам, получается, не понравилось пресечение очевидного вооруженного мятежа.

Последствия этого мятежа тоже легко можно было предсказать сразу. Ведь всего пару месяцев назад в соседней республике власть расслабилась и не остановила бунт в Оше. И через считанные дни уже на улицах киргизской столицы разразились массовые погромы, грабежи, захват государственных учреждений, расхищение и уничтожение важных документов...

Вспомним ферганские события 1989 года. И грозный КГБ был еще жив, и внутренние войска МВД в считанные дни стянули из нескольких – тогда еще союзных – республик. И все равно погромщики успели пролить немало крови.

Места мятежей в Узбекистане (Фергана в 1989-м, Андижан в 2005-м) и Киргизии (Ош в 1990-м и 2005-м) неслучайны. Ферганская долина – один из плодороднейших уголков Средней Азии – с древнейших времен населена представителями всех окрестных народов. А нынешние границы между Киргизией, Таджикистаном, Узбекистаном в этой долине проложены так, словно некий безумный геометр не пожелал оставить ни одного квадратного метра без пограничного столба. Неудивительно, что оттуда постоянно исходят импульсы сепаратизма. Существует даже план создания в долине исламского халифата Фано.

Мятеж в Андижане развивался по знакомым ферганским и ошским шаблонам. Более того, Узбекистан уже пережил волну взрывов. В марте 2004-го в самых людных местах Ташкента и Бухары, у правительственных учреждений взрывались заминированные автомобили. Так что, не одному президенту Каримову, а всем гражданам страны было понятно: организаторы мятежа уже успели почувствовать вкус крови и теперь не остановятся ни перед чем. Значит, останавливать их надо силой.

Действия в разгар бурных событий не бывают безупречны. Наверное, и следствие в Лондоне выявит немало проколов. Уж если впускаешь на свою территорию бунтовщиков и террористов со всего света, – следи за ними так, чтобы знать все их планы задолго до попыток реализации их преступниками.

Великобритания, находясь под постоянным давлением сепаратистов из ИРА, накопила немалый опыт сосуществования с опасностью. Узбекистан такого опыта не имеет. Он обрел независимость лишь в 1991-м – при развале великой страны, когда все структуры государства (в том числе и систему безопасности) пришлось создавать заново.

Возможно, Великобритания глядела свысока на новичков, борющихся за выживание – политическое и физическое. Потому и отказала им фактически в праве на жесткое противостояние. Но забыла, что у нее есть собственные враги и они опытнее сепаратистов Ферганской долины...

**Нурали ЛАТЫПОВ,**
**политолог.**
**(Из газеты «Народное слово» №137 от 20 июля 2005 г.).**

## Идеология терроризма

**Айдын ГУДАРЗИ**

# Хизб ут-Тахрир аль-ислами: МИФЫ И РЕАЛЬНОСТЬ

**(Продолжение. Начало в предыдущих номерах).**




Через шесть лет, в 1974 году, в Египте под руководством члена палестинской группы Хизб ут-Тахрир доктора Салаха Сарийя была совершена попытка склонения кадетов Египетской военно-технологической академии к военному мятежу. Операции предшествовало все то же долгое идеологическое зомбирование в конспиративных ячейках определенного числа мусульман, молодых курсантов – выходцев из обеспеченных семей. В том же 1974 году вновь в Иордании членами Хизб ут-Тахрир была совершена еще одна попытка совершения государственного переворота.

Уже после смерти Набхани, в 1993 году, спецслужбами Иордании была зафиксирована скрытая подготовка тридцатью активистами Хизб ут-Тахрир покушения на короля Иордании Хусейна. В январе 1994 года после проведенного следствия 10 хизбуттахрировцев были приговорены к смертной казни. Приговор долгое время не приводился в исполнение, и после многих закулисных юридических и политических комбинаций приговоренные были помилованы с негромко объявленной формулировкой, которая на все последующие годы стала как бы ключом, открывающим радеющие к милосердию сердца международных правозащитников – «Признательные показания у подследственных были получены неправомерно». Замечу: особенно ярко это радение проявилось в Узбекистане и адресно только в отношении хизбуттахрировцев. В Иордании же, не привыкшей к ласке с преступниками, подобная формулировка озадачила многих. Особенно после неожиданно всплывшей информации о полной утере документов следствия и файлов личных дел террористов-хизбуттахрировцев, естественно, без каких-либо уточнений. В интересах тайной политической интриги?

Еще одним аргументом не в пользу утверждений о «мирном характере» идеологии и задачах Хизб ут-Тахрир может служить период с декабря 1999 г. по январь 2000 года. На севере Ливана шли вооруженные столкновения боевиков Хизб ут-Тахрир с сотрудниками ливанских служб безопасности и сирийских войск. Этому инциденту предшествовала та же поэтапная агитационно-пропагандистская подготовка мусульман, замешанная на тематической истерии по поводу социально-экономического положения простых арабов и обвинении во всех прошлых национально-освободительных неудачах США, Великобритании и, естественно, Израиля. Все соответствовало строчке из хизбуттовского тезиса тех лет: «Современные исламские страны надо спасать от сатанинской заразы, опасной не для Аллаха, а для мусульман, которых можно излечить только участием в джихаде».

Подготовка шла параллельно с вербовкой, преследующей цель – пополнить скудные ряды сектантов и сторонников халифатизации всего мира. Проводниками же «сатанинских идей» были вновь объявлены правительства арабских стран, высокое духовенство, плеяда представителей королевских династий и их инструмент – спецслужбы, армия и суды, проявляющие себя в преследовании хизбуттахрировцев – «новых реформаторов от чистого ислама». В результате вооруженного конфликта, повлекшего потери с обеих сторон, было все же предотвращено проведение серии антиправительственных акций, в том числе насильственного и террористического характера, было арестовано 800 активистов-боевиков Хизб ут-Тахрир.

Через два года, в апреле 2000 года, спецслужба Египта арестовала еще 26 активистов Хизб ут-Тахрир, сорвав подготовку и осуществление очередного вооруженного переворота в стране. Трое из задержанных – этнические арабы с паспортами граждан Великобритании. После проведения следственных действий боевики-террористы были осуждены с назначением долгих тюремных сроков.

В 2002 году «мирный» характер деятельности Хизб ут-Тахрир проявился на Филиппинах, где были задержаны боевики Хизб ут-Тахрир индонезийского происхождения. При аресте у них изъяли взрывчатые вещества и оружие. И хотя арестованные были связаны с региональной структурой «Аль-Каида», инцидент огласке не предали, сославшись на особые политические отношения Филиппин и Индонезии.

В апреле 2003 года в кафе «Майкс Плейс», расположенном на набережной Тель-Авива, вновь прогремел взрыв. Исполнители теракта – подданные Великобритании Осиф Ханиф и Омар Шариф, боевики британской группировки «Аль-Мухаджирун», возглавляемой шейхом Мухаммадом Умар Бакери. Омар Шариф ранее являлся членом британской Хизб ут-Тахрир. По утверждению самого хизбуттахрировца, он незадолго до совершения теракта присоединился к движению «Аль-Мухаджирун». Впрочем, жертвам теракта и их родственникам легче от этого не стало. Не стало легче в декабре того же года и министру иностранных дел Египта Ахмаду Махеру после нападения на него и окружавших его лиц в иерусалимской мечети «Аль-Акса» активиста Хизб ут-Тахрир, зомбированного члена секты Мухаммада Хаммури. Полиция Израиля задержала параноика.

И уже в параллели с очередной попыткой халифатизации Узбекистана весной 2004 года можно вспомнить судебный процесс, состоявшийся в Египте как раз в те же самые дни над 26 активистами Хизб ут-Тахрир за организованную попытку возрождения запрещенной религиозной партии. В числе подсудимых – подданные Великобритании Иан Малколм Нисбетт, Маджед Наваз и Реза Панкурст. Вместе с девятью соратниками-египтянами они были приговорены к пяти годам лишения свободы каждый. Семь боевиков-хизбуттахрировцев получили по семь лет, и еще семеро – по одному году заключения. Один участник осужден заочно.

Однако при этих далеко не всех указанных проявлениях вооруженной халифатизации «Центр Хизб ут-Тахрир», в отличие от других международных террористических и радикальных группировок, всякий раз незамедлительно отказывался и отказывается признать ответственность за действия своих приверженцев, заявляя: «Эти исполнители – отколовшаяся часть партии». Закономерность?

Характерно, что практически одновременно миссию «адвокатов», защищающих гражданские и религиозные права хизбуттахрировцев, начинают исполнять международные правозащитные организации, многие из которых известны своими тайными связями с рядом закрытых ведомств из стран Европы и США. В наиболее откровенной форме «адвокатский» зуд, посвященный «спасению душ» хизбуттахрировцев, проявился в Узбекистане – сразу после февраля 1999 года, достигнув апогея к весне 2004-го.

А теперь – вторая закономерность. Правда о лжемирном характере Хизб ут-Тахрир не оспаривается некоторыми международными СМИ – свобода слова не всегда нужна. Особенно для «спецпроектов спецслужб», в свою очередь, «осоловевших» от политических капризов своих периодически сменяющихся лидеров европейских стран и США. Иногда складывается впечатление, что спецслужбы вообще запутались между подрывной деятельностью на Ближнем Востоке, в бывших центральноазиатских и кавказских республиках и «стратегической безопасностью» демократических основ своих стран. Кстати, сама «безопасность» слепнет и от изобретательности политтехнологов – салонных европейских «человеколюбов» со всеми их лукавыми демократическими и правозащитными инициативами, имеющими тарифную стоимость у филантропов-магнатов, то есть заказчиков-конструкторов мирового экономического передела.

Самые наивные и незащищенные, а следовательно и проигрывающие во всей этой политизированной чехарде, – это простые граждане, периодически взрываемые боевиками-террористами и не понимающие, почему их убийц с высоких неправительственных трибун европейские гуманисты именуют «мирными мусульманами». К примеру, Узбекистан за последние годы обогатился плеядой доморощенных правозащитников, при ближайшем знакомстве с которыми невольно вспоминаются слова: «Скажи мне, кто твой друг – и станет понятно, кто ты сам». Их «хапательный» рефлекс особенно «ярко» проявляется в период распределения международных финансовых грантов по тематическим проектам, посвященным развитию демократических и прочих процессов в государственной и общественной сфере.

Все вышесказанное можно легко подтвердить аналитической статистикой, в которой просматривается география заинтересованного «зова сострадания к мирным мусульманам – хизбуттахрировцам». Сами же «мирные», в свою очередь, и не помышляют о подобной взаимности. Они продолжают размножаться и поддерживать тесные, но скрываемые связи со всеми своими единомышленниками – радикальными фундаменталистами из других движений.

Хрестоматийный пример смычки интересов радикалистов всех видов многопрофильного служения Аллаху – Пакистан, превращенный в «кадровую кузницу» террористов. На его территории (согласно материалам, предоставленным автору из одного закрытого европейского ведомства) действуют «патронирующие и покровительствующие» международным террористическим формированиям одиннадцать организаций (их перечень в данной книге не приводится). Например, у фанатичных рекрутов исламистов из Центральной Азии пользуется популярностью деятельность организации «Харакат аль-джиход исломи» (Исламское джихадское движение – ИДД) Пакистана. Всем процессом деятельности этой организации руководит пакистанский генерал Сайфулла Ахтар, работающий под профессиональным прикрытием. Эта же организация, кстати, опекает одну из баз боевиков в местности Котале-Бог (Кашмир).

**(Продолжение следует).**

# АДОЛАТ ОФТОБИ

## III. БУГУНГИ АРМИЯМИЗНИНГ БУГУНГИ ПОСБОНИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Оддий аскар Мирзараҳим Нурматов, Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Халқобод қўрғончасидан.

– Туман мудофаа ишлари бўлимига чақирилганимда,– дейди у,– ростини айтсам, аскар бўламан, деганлар кўплигини кўриб, ҳойнаҳой, уйга қайтиб кетсам керак, деб ўйлаган эдим. Ота-онам ҳам: «Биз сени аскарлик либосида кўрармиканмиз», дея иккиланишганди. Йўқ, соғлиғим яроқли деб топилди, синовлардан ҳам муваффақиятли ўтдим. Муддатли хизматга олинганлигимдан жуда бахтлиман.

Аскар бўлишни юрагига тугиб қўйганларга бир маслаҳатим бор. Спорт билан шуғулланиб, танангизни чиниқтиришингиз, бақувват бўлишга ҳаракат қилишингиз ўз йўлига. Ўз билимингизни ошириш йўлида ҳам жиддий шуғулланинг. Компьютерни пухта ўрганинг. Ана шунда мақсадингизга эришасиз.

Оддий аскар Шерзод Иброҳимов, Жиззах вилояти Пахтакор туманидан.

– Ўз бурчимизни аъло даражада ўташимиз учун мен хизмат қилаётган ҳарбий қисмда барча шарт-шароит мавжуд, – дейди у. – Аввало, ётоқхонамиз ҳақида икки оғиз сўз. Кенг ва ёруғ, озода ва шинам. Телевизор, мусиқа маркази бизнинг хизматимизда. Шахсий гигиенага риоя этишимиз учун барча шароит яратилган. Таом масаласига келсак, тўғрисини айтсам, уйдагидан сира қолишмайди: уч марта иссиқ овқат, турли витаминларга бой шифобахш ичимликлар. Спорт майдончамиз ҳар қандай спорт масканидан қолишмайди. Кутубхонамиз ишлаб турибди. Хоҳлаган китобингизни олиб, мутолаа қилишингиз мумкин.

– Назаримда, – дейди Суҳроб Меҳмонов, Сурхондарё вилоятининг Денов туманидан,– кунлар жуда тез ўтиб кетаётгандек. Кечагина аскар бўлишни орзу қилиб юрган эдим. Ҳа демай, аскарлик фаолиятимни тамомлайман. Ҳар бир дақиқа, ҳар бир кундан унумли фойдаланяпмиз.

Кун тартибига риоя этиш катта аҳамиятга эга экан. Вақтдан тўғри фойдаланилса, кўп нарсага улгурса бўларкан. Биз машғулотларда фаол иштирок этиб, ҳарб илмини пухта ўрганяпмиз. Бўш вақтимиз ҳам мазмунли ва самарали ўтмоқда. Сафдошларим билан кино кўрамиз, спорт билан шуғулланамиз, китоб ўқиймиз. Хизматдан кейин ўқишга кириш ниятим бор. Мақсадим, Тавсиянома олиш. Бу осон эмас, албатта. Илғорликни қўлдан бермаслигим зарур.

Аскарларнинг сўзларига яна нима қўшимча қилиш мумкин? Таъкидлаш жоиз, бугунги кунда казарма деган тушунча аллақачон истеъмолдан чиқиб кетган. Хизмат қилаётганлар орасида «мен катта, сен кичик», деган ярамас муносабат йўқолиб кетган. Соғлом турмуш тарзи амалда. Аскарлар орасида чекувчилар йўқ ҳисоби. Бир-бири билан низом доирасида муносабатда бўлишади, бир-бири билан хушмуомала.

Муддатли хизматга жалб этилмаганларга хизматнинг янги тури – сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат қўл келмоқда.

Қонунда шундай дейилган: «Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақириш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резервига олинадилар».

Бу хизматга олинадиганлар албатта энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдоридаги пул бадалини тўлиқ тўлаб, бир ойлик ҳарбий йиғинда иштирок этишгач, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган тенгдошлари каби ҳарбий гувоҳнома олишади. Агар улар тегишли ҳарбий ўқув мутахассислигига эга бўлишса, Қуролли Кучларда шартнома асосида хизмат қилишлари, олий ҳарбий билим юртига ўқишга киришлари, солиқ, божхона органлари, милицияда, бошқа давлат муассаса ва ташкилотларида ишлашлари, чет элга сафарга боришлари мумкин. Шу жиҳатдан сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат муддатли ҳарбий хизмат билан тенг дейиш мумкин.

– Мен, – дейди Олмос Худойшукуров, Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманидан, – шу кунларда бир ойлик йиғинда иштирок этяапман. Яқинда Ҳарбий қасамёд қабул қиламиз. Хизматнинг бу турига жалб этилганимдан ўзим ҳам, ота-онам ҳам беҳад хурсанд. Қандай бўлишидан қатъи назар, Ватан олдидаги ўз бурчимни ўтаяпман. Муҳими шу. Фойдали жиҳати, вақтдан ютаман. Ишлашимга ҳам халал бермайди. Келажакда ҳарбий бўлиш ниятим бор. Энди бу ёғини вақт кўрсатади.

– Президентимиз «сержантлар – армиямизнинг суянчи ва таянчи», дея бизнинг фаолиятимизга жуда катта баҳо берди, – дейди шартнома бўйича хизмат сержанти Маҳмуд Темуров. – Биз ана шу баҳога муносиб бўлишимиз керак. Сафдошларим ҳам, мен ҳам қўлимиздан келган барча ишларни қиляпмиз. Мен хизматда эришаётган ютуқларим туфайли Юртбошимиз Фармонига биноан «Жасорат» медали билан тақдирланганман. Бу мукофот мени касбий маҳоратда янада юқори поғонага кўтарилишга чорлайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Адолат офтоби — Истиқлол туфайли бугунги миллий армиямизда ислоҳотлар қизғин давом эттириляпти. Биз профессионал армия барпо этиш йўлидан дадил одим ташлаяпмиз.

Шу ерда бир савол туғилиши табиий: хўш, бугунги миллий армиямиз кечаги армиядан яна нимаси билан фарқ қилади? Бу саволга Юртбошимиз шундай жавоб беради:

**«Агарки мендан, янги армиямизнинг эски армиядан фарқи нимада, деб сўраса, ҳарбий соҳада амалга оширилаётган мутлоқ принципиал ўзгаришлар, мақсад ва вазифалар билан бир қаторда Қуролли Кучларимизда ҳукм сураётган соғлом муҳит, тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, машаққатли синовлар, ҳарбий машғулотларнинг оғир юкини елкасида кўтариб юрган оддий аскар ва сержантларга бўлган эътибор ва эҳтиромда, деб айтган бўлар эдим».**

Бугунги посбон кечаги посбондан тубдан фарқ қилади. У нимани, кимни қўриқлаётганлигини яхши билади. Бугунги посбон Президентимиз, ҳукуматимиз уларга кўрсатаётган ғамхўрликни яққол ҳис этиб турибди.

Буларнинг барчаси Мустақиллигимизнинг ўн тўрт йили мобайнида амалга оширилди. Олдинда янада улкан эзгу ишлар кутиб турибди.

**Подполковник Абдураззоқ ОБРЎЕВ, «Ватанпарвар» мухбири.**

# НЕЗАВИСИМОСТЬ: ЗАЩИТА ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И ДЕМОКРАТИЯ

**В особое, судьбоносное время каждый из нас ощущает потребность думать, искать, делать, творить, чтобы успешно реализовывалась стратегическая Программа социально-экономического развития страны в начале XXI века, разработанная Президентом Исламом Каримовым и изложенная в докладе главы государства на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан в начале текущего года.**

Общеизвестна истина, что можно разработать и сформулировать четкую и ясную программу, создать механизм ее реализации. Но рассчитывать на успех ее выполнения возможно только тогда, когда она будет воспринята всем народом.

С первого дня провозглашения о своем независимом развитии Республика Узбекистан решительно повернулась лицом к человеку, к личности и возвела этот принцип в ранг государственной политики, закрепив его в Конституции страны. Это было глубоко демократическое решение. Но его необходимо было осознать и понять каждому гражданину. Вспомним, в первые годы независимости над нами очень сильно довлело прошлое – старые стереотипы, старое мышление, пороки командно-административной системы, когда все важные решения принимались где-то там, наверху, а граждане были лишь простыми исполнителями и нередко – жертвами необдуманных решений. Все это в понимании личности и ее прав нашло отражение в двух взаимосвязанных моментах.

**Во-первых,** ни наши административные работники, ни рядовые граждане не знали, в чем заключается осуществление прав человека.

**Во-вторых,** наши люди не осознавали еще и не верили, что государство стоит на защите их прав.

Чтобы выйти из этой непростой ситуации, нужны были огромная организаторская и законотворческая работа и умелая правовая пропаганда. Нужны были и соответствующие как государственные, так и общественные структуры, которые прочно стояли бы на защите прав человека.

**«Общество тогда становится правовым, подлинно гражданским, – говорил Президент И.А.Каримов в докладе «Узбекистан, устремленный в XXI век», – когда в нем обеспечивается защита прав и свобод граждан. Каждый человек должен четко и ясно знать свои права, уметь ими пользоваться, уметь их отстаивать и защищать».**

Правовая культура – основа демократического общества и показатель зрелости правовой системы. Потому была принята Национальная программа повышения правовой культуры в обществе. За годы ее реализации в сознании людей прочно укоренилось понимание необходимости уважения к праву, закону и твердая убежденность овладения правовыми знаниями и умением применять их в жизни.

Также с этой целью была создана разветвленная система органов защиты прав человека. Сегодня каждый гражданин знает и убежден в том, что его права всегда будут защищены перед произволом бюрократии, перед беззаконием.

В стране налажено сотрудничество с ОБСЕ/БДИПЧ по вопросам человеческого измерения, развития неправительственных правозащитных организаций и средств массовой информации.

Продолжается работа по присоединению Узбекистана к основным международным договорам в области прав человека. Большое значение имел принятый Олий Мажлисом закон о порядке рассмотрения жалоб и заявлений граждан органами государства.

В книге «Узбекистан: свой путь обновления и прогресса» Президент И.А. Каримов пишет: «Узбекистан – государство великого будущего. Это суверенное, демократическое, правовое государство. Это государство, основанное на принципах гуманизма, обеспечивающее права и свободы граждан независимо от национальности, вероисповедания, социального положения и политических убеждений». Эти идеи были закреплены в Конституции Республики Узбекистан, признанной мировым сообществом не только демократической, но и в полной мере отвечающей мировым стандартам. Конституция явилась основой, фундаментом для развития и углубления демократических процессов.

Известно, что без демократии не может быть законности. В свою очередь демократия не может развиваться и существовать, не опираясь на законы, которые призваны ограждать общество от злоупотреблений властью, гарантировать права и свободы граждан. Демократии свободно дышится там, где властвует закон. Начавшиеся в стране реформы потребовали усиления внимания к законотворческой деятельности, к содержанию законодательных актов.

За годы независимости в стране создана принципиально новая концепция построения судебно-правовой системы. Осуществлена специализация судов, введены институты апелляционного и кассационного рассмотрения судебных дел, существенно сокращены сроки рассмотрения дел в судах, сроки расследования и содержания людей под стражей. Кардинальные меры осуществлены по либерализации уголовного законодательства.

С первых дней независимости в нашей стране утвердились общепризнанные принципы демократического общества – свобода волеизъявления, равноправие всех граждан, равные права на участие в управлении обществом и государством, а также выборность основных органов государства, их подотчетность избирателям и другие.

Усилиями руководства республики, государственных структур и общественных организаций уже к началу XXI столетия значительно возросла политическая активность наших людей. Это наглядно продемонстрировали референдум Республики Узбекистан, выборы Президента страны, выборы в Законодательную палату и Сенат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, а также в местные Кенгаши народных депутатов и в органы местного самоуправления.

Возросла роль политических партий. Кардинально изменилось участие женщин в жизни общества. В соответствии с указом Президента страны реализован ряд практических мер по расширению сферы участия их в экономической, социальной и культурной жизни, по облегчению их труда, в том числе и в быту, по повышению их образования и культуры. Большая организаторская и воспитательная работа проводится с молодежью. В этом конкретно проявляется суть нашей концепции политического устройства: «От сильного государства – к сильному гражданскому обществу».

Западные так называемые «продвинутые» демократии, прямо скажем, кичатся своими институтами. Но есть ли там что-то, хотя бы отдаленно напоминающее нашу махаллю? Уверен, нет у них такого института. Но надо бы знать, что махалля, а это общепризнанная государственная и народная структура, – это самая демократическая форма управления, организации и сплочения проживающих в ней граждан. А если сказать точнее, то махалля – это власть, махалля – это орган самоуправления, махалля – это и место жительства, и административно-территориальная единица. Махалля – это образ жизни, при котором главенствующими чертами являются гуманизм, трудолюбие, внимание к человеку, взаимопомощь и моральная чистота. Махалля – это добрый наставник и умелый воспитатель. Испокон веков у узбекского народа она считалась опорой государства.

Подводя итог сказанному, мы можем уверенно заявить, что наша демократия, воплотившая в себе все ценное и передовое, накопленное человечеством, и отражающая менталитет нашего народа, находится в развитии. И свою важнейшую задачу мы видим в демократизации жизни общества и модернизации страны. Мы не нуждаемся ни в каком подталкивании, ни в каких «цветных» революциях. Наш народ никогда и ни от кого не будет зависеть. Вдохнув воздух свободы, независимости и демократии, он и дальше будет уверенно идти по пути обновления и прогресса к своей заветной цели – построению правового, демократического государства, гражданского общества.

**Анфим ХЛЫЗОВ.**

Мавзуга қайтиб

# ТИЛ – МИЛЛАТНИНГ РУҲИ

**Президентимиз 1999 йил 14 апрель – Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ XIV сессиясидаги нутқида мустабид шўролар тузумининг зарарли иллатлари, ўша давр сиёсатининг шафқатсиз исканжаси ва бунинг оқибатлари ҳақида гапирар экан, шундай деган эди: «Ўз она тилини, миллий анъана ва маданиятини билмаслик кўплаб одамларнинг шахсий фожиасига айланиб қолган эди...».**

Шукрки, бугун юртимиз Истиқлолни, асрлар оша орзу қилиб келган эркинликни қўлга киритган. Жаннатмакон она диёримизда ҳурлик шамоли баралла эсмоқда. Узоқ замонлар, даврлар мобайнида гоҳ юксалиб, гоҳида камситилиб келинган она тилимиз ҳам нурафшон кунларга соғ-саломат етиб келди. Давлатимизда ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Булар орасида айниқса, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг оғишмай олиб борилиши ғоят эътиборли жиҳатдир. Миллий маънавиятни эса она тилидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Чунки халқнинг руҳияти, табиати, бутун борлиғи унинг тилида акс этади. Шунинг учун ҳам инсоннинг маънавий камолотида она тилининг ўрни беқиёс. Она тили ва Истиқлол тушунчалари ҳам узвий боғлиқ. Улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлоний: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғин кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур», деган эди. Табиийки, руҳи йўқ миллатнинг истиқлоли ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгач (1989 йил 21 октябрь, 1995 йил 21 октябрда эса ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, бу ҳақда янги таҳрирдаги қонун қабул қилинди), унинг ўзига мос ёзуви ҳам бўлишига зарурат сезилди. Чунки ёзув тилнинг либоси саналади. У тил талабларига мос, тилдаги товушларни ёзма равишда ифодалай оладиган бўлиши талаб этилади. Лотин графикасига асосланган янги ўзбек алифбоси шу мақсадда жорий қилинди. Бунда шарт-шароит ва имкониятлар тўла ҳисобга олинди.

Шундан буён ўзбек тили Давлат тили сифатида турмушимизда қонуний равишда қўлланмоқда, миллий маънавиятимизнинг бетакрор кўзгуси сифатида, халқимизнинг борлиги ва бирлиги белгиси сифатида ўрганилмоқда, ўргатилмоқда. Шеърият султони Алишер Навоий ижод қилган бу тилга кўпгина хорижий олимлар, тилшунослар ва илм-фан ихлосмандлари эътибор билан қарашяпти, ўрганишяпти. Аммо ўзимизда ҳамон бу борада қилиниши зарур бўлган ишларнинг мавжудлиги, камчиликларнинг учраб туриши бор гап. Бунга оддий мисол тариқасида ҳалигача ўзбек тилида иш юритиш у ёқда турсин, сўзлашишни ҳам, янги алифбони ҳам билмайдиган юртдошларимизни кўрсатишимиз мумкин. Ўзи истиқомат қилаётган юртнинг Давлат тилини, ўзбек тилининг янги алифбосини чуқур ўрганишга «ожизлик» қилаётган мазкур тоифадагиларни қандай аташни ҳам билмайсан, киши. «Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор раҳбар курсисида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин», – деган эди бу ҳақда Юртбошимиз.

Бу йил лотин графикасига асосланган янгича алфавит асосида таҳсил олган ўқувчилар ўрта мактабларни битиришди. Улар бундан буён ҳам янгича алифбо асосида ўқишни давом эттиришлари, янгича фикрлашлари, янгиликларга интилиб яшашлари керак. Бундан эса кўринадики, тилимизни ва янги алифбони пухта ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан. Эндиликда бу жараён ғоят тезкорликни ва аниқликни талаб қилади. Демак, ҳар биримиз ўз устимизда ишлашдан ташқари бу йўлда ёнимиздагиларга ҳам кўмак бўлишимиз, қўлни-қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқаришимиз зарурлигини давр тақозо қилмоқда. Кўпчиликдан орқада қолиш эса ҳеч қачон маъқулланмаган. Ҳар ҳолда, ҳечдан кўра кеч бўлса-да, кўзимизни очиб олганимиз маъқул эмасми?

Сиз-чи, бу ҳақда нима дейсиз, азиз муштарий? Таклиф ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

**Лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ, «Ватанпарвар» мухбири.**

# ЎЗБЕК МЕТРОСИ



**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Маълумки, дунёда илк метро 1863 йил Буюк Британиянинг пойтахти – Лондон аҳолисига хизмат кўрсата бошлаган. Кейинчалик Нью-Йорк (1868 й.), Париж (1900 й.), Мехико (1902 й.) ва бошқа шаҳарларда ҳам электр токи ёрдамида ҳаракатланувчи поездлар фойдаланишга топширилган.

Юртимизнинг «Нон шаҳри», дея юритилувчи пойтахтида эса, Тошкент шаҳар йўловчилар транспорти уюшмаси таркибидаги метрополитен қурилиши 1973 йилда бошланган. Ҳозирда ўн икки бекатли «Чилонзор» йўлининг тўққиз бекати 1977 йилнинг 6 ноябрида, қолган учтаси 1980 йилда фойдаланишга топширилган.

Умумий узунлиги 15 км. бўлган иккинчи йўналиши, яъни «Ўзбекистон» йўлининг «Алишер Навоий», «Ўзбекистон», «Космонавтлар», «Ойбек» бекатлари 1984 йилда, «Машинасозлар» ва «Чкалов» бекатлари 1987 йилда ҳамда яна тўрт бекат 1989 ва 1991 йилларда қуриб бўлинган.

Қурилиш ишлари давом этаётган учинчи – «Юнусобод» йўлининг бир қисми 2001 йилдан буён аҳоли хизматида. Шу йўналишнинг «Файзулла Хўжаев», «Юнусобод» ва «Туркистон» бекатларида эса, айтиб ўтилганидек, қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, «Юнусобод» ва «Чилонзор» йўлларини янада узайтириш, шу билан аҳолига кўрсатиладиган хизматлар, қулайликларни кенгайтириш режалаштирилган.

Маълумот ўрнида айтишимиз мумкин, Тошкент метрополитенида қатнайдиган тўрт вагонли поездларнинг ўртача тезлиги соатига 39 км, энг юқори тезлиги эса, соатига 65 км.дир. Метрополитеннинг бугунги кундаги умумий узунлиги 38,25 км, бекатлар сони 29 та бўлиб, у тўққиз балли зилзилага бардош бера олади.

Шаҳар транспортининг бу туридан кунига 270-300 минг йўловчи фойдаланади. Бир қаранг-а, бир неча юз минг кишининг узоғини яқин, вақтининг тежалишига хизмат қилаётган метрополитен хизматидан фойдаланувчи йўловчилар сонини суткама-сутка ҳисоблайдиган бўлсак, бир ҳафтадан ортиқроқ вақт ичида деярли бутун Тошкент аҳолисига тенг рақамни келтириб чиқарамиз. Ҳа, энди бир ойлик, ярим йил ва йиллик йўловчилар сонини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

Дарвоқе, метродаги «Ҳамза», «Чилонзор» бекатлар гумбазсимон, «Мустақиллик майдони» йиғма-монолит конструкцияли колонна шаклида, бошқа бекатлар эса колонна шаклида қурилган.

Ҳар бир бекатнинг бадиий меъморий ҳамда ҳайкалтарошлик нуқтаи назаридан безатилиши рамзий равишда ўша бекат номланишидан келиб чиқади. Масалан, «Алишер Навоий» бекатида буюк мутафаккир ва аллома қаламига мансуб асарлар номлари ҳамда уларга ишланган расмлар, маърифатпарвар бобомиз яшаган давр руҳини берувчи нақшлар акс эттирилган.

Таъкидлаш жоизки, метро бекатларининг безатилишида маданий, монументал декоратив ва амалий санъатдан миллий анъаналаримизга ва меъморчилик борасидаги бой тажрибамизга мос, қайсидир маънода ўзлигимиз намоён бўлишига ва бунинг ҳис этилишига алоҳида эътибор қаратилган. Безак хомашёси асосан, юртимизда чиқариладиган қора, қизил, кулранг гранитлар, турли хил мармар, керамика, стомалит, ёғоч, ойна, ҳар хил металл ва бошқалардан иборатдир.

– Метро очилиши нафақат пойтахтликлар, балки барча ўзбекистонликлар учун оламшумул янгилик ва унутилмас воқеа бўлган эди, – дея хотирлайди сал кам эллик ёшни қоралаган, ўқитувчилик касбида фаолият кўрсатувчи Мағфират опа Собирова. – Ўшанда дугоналарим билан бир куннинг ўзида 5-6 марталаб метрога тушганмиз. Албатта, бизлар учун фақат телевизор орқалигина кўрган, бироқ олдиндан бир неча бор эшитган транспорт воситасидан фойдаланиш жуда мароқли ва қизиқарли эди-да. Мана, орадан кўп йиллар ўтди. Бу орада янги йўналишлар, бекатлар қурилди. Лекин бир нарса деярли ўзгарганича йўқ. Бу ҳам бўлса метронинг қулай ва тезкорлиги, озода ва хавфсизлиги, шинам ва ишончлилигидир.

Дарҳақиқат, юқоридаги фикрлар ичидан «ишончли» сўзига яна бир бора алоҳида урғу бериб ўтиш ўринли бўлса керак. Чунки шаҳар транспорти воситаларидан фақат метрополитенгина эрталабки соат 5:00 дан кечки 12:00 қадар узлуксиз ва сифатли равишда аҳолига хизмат кўрсатади. Шундай экан, Тошкентга келувчи меҳмонларнинг шаҳардаги тарихий обидалар, сўлим истироҳат боғлари ва диққатга сазовор жойларини томоша қилиш билан бир қаторда метрога ҳам албатта, тушишга интилиши бежиз эмас.

Яқиндагина «Собир Раҳимов» метробекатига тушаётиб, қуйидаги суҳбатнинг гувоҳи бўлдим.

– Устоз, Собир Раҳимов ким бўлган ?

– Биринчи ўзбек генерали. Мана сен – Нодиржон, доим ҳарбий бўламан дейсан. Шундай ота-боболаринг ҳақида билишинг ва уларга муносиб бўлишинг керак.

Шу тариқа ўқитувчининг орқасидан икки киши-икки киши бўлиб бир-бирларининг қўлларидан ушлаб олган болажонлар метрога тушишди.

Бояги ўқитувчи, Рисолат опа Абдуллаева билан суҳбатлашгач, уларнинг Тошкент вилоятидан келишгани, болажонлар эса унинг раҳбарлигидаги бошланғич синф ўқувчилари эканлиги ҳамда уларни пойтахтга айлантиргани олиб келганини билдим.

Уларни кузатар эканман, метрополитенни илк бор кўраётган жажжи ўғил-қизларнинг атрофни катта қизиқиш ва ҳайрат билан томоша қилаётганларини ҳамда бир-бирларига завқланиб нималарнидир тушунтираётганларини кўрдим. Табиийки, бундай ҳашаматли иншоот билан боғлиқ турли саволлар уларда пайдо бўлган. «Бу ернинг томи қулаб кетмайдими?», «Кўча иссиқ бўлса-да, нега бу ер салқин?», «Поезд қандай қилиб айланади?», «Ер остида бундай катта деворларни қандай қуришган?» каби саволларга устозларидан тўлиқ жавоблар олишгач, ўз саёҳатларини давом эттиришди, улар. Рисолат опага бу борада кейинчалик ҳам кўплаб мурожаатлар бўлганини тахмин қилиш қийин эмас.

Мақолам сўнгида шуни айтмоқчи эдимки, бугунги кунда «ўзбек» сўзи билан қўшиб ишлатилувчи иборалар (ўзбек кураши, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбекча модели) қаторида ўзбек метроси десак, янгилик ҳам хато бўлмас. Тўғри, илк метро бизнинг давлатда пайдо бўлмаган ёки уни аждодларимиз ихтиро қилмаган. Бироқ ишончим комилки, айнан бизнинг, ўзбек метрополитени бошқаларникидан ўзига хослиги ва миллийлиги, нақшинкор ва ажойиб безаклари билан ажралиб туради.

**Лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири. Комолиддин ТЎРАЕВ олган суратлар.**

## ҲАЁТ ВА ИЖОД

# ОИЛА – ЖАМИЯТНИНГ АСОСИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Халқ ичида юраман, оддий опа-сингиллардан тортиб, ҳукумат раҳбарларигача оиланинг бизда, дарҳақиқат, муҳим аҳамиятга молик маскан эканлигини эътироф этадилар. Бу – ижтимоий фикр ва бу фикрнинг шаклланишида, менинг назаримда энг аввало, Давлатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ушбу масалага муносабатлари, ҳукумат ғамхўрлигининг роли каттадир.

**– Марказ номидан ҳам маълумки, оила муаммолари билан шуғулланади. Айтинг-чи, шу кунларда Сиз раҳбарлик қилаётган марказ қандай ишларни олиб бормоқда?**

– Ҳар бир оилани мўъжазгина Ватан деймиз, оила ҳақида, аёл ҳақида жуда кўп ва хўп гапларни айтамиз. Лекин олимларимиз оилани ўрганар эканлар, ана шу мўъжазликда муаммолар ҳам йўқ эмаслигини эътироф этишади. Ўзи ҳаёт шундай экан-да. Немис файласуфининг фикрини бир мақоламда келтирган эдим: «Муаммонинг ечими – янги муаммодир». Шунга ўхшаб, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ишларни йўлга қўйганимиз сари, янгидан-янги ечимини кутиб турган муаммолар пайдо бўлаверади. Бугунги кунда бизнинг илмий изланишларимиз ва амалий саъй-ҳаракатларимиз хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган Миллий дастурни ишлаб чиқиш, бу йўналишда оммабоп, ўқимишли монография, рисолалар яратиш, «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида бизга юклатилган вазифалар доирасида ишларни самарали ташкил этиш, диний экстремизм ва ақидапарастликка нисбатан ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда оиланинг ролини ошириш каби қатор жиддий лойиҳалар устида иш кетяпти.

**– Ҳар бир ёш оила қуриш учун ўзига муносиб умр йўлдошни топиши муҳим аҳамиятга эга. Ёшларни оила қуришга тайёрлаш борасида марказ қандай тадбирларни ўтказяпти? Бу хусусда социологик тадқиқотлар ўтказилганми? Ўтказилган бўлса, натижалари қандай?**

–Албатта, ёш оила ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказимиз фаолиятининг энг устувор йўналиши ҳисобланади. Биз бу борада доимий изланиш олиб бориб, амалий тадбирлар ўтказамиз. Масалан, Тошкент шаҳридаги «Наврўз» ва «Шодлик» бахт уйларида, худди шундай вилоятлар марказларидаги никоҳ уйларида ёш келин-куёвларни мустақил оилавий ҳаёт олдидан махсус режа асосида ўқитамиз, таълим муассасаларининг барча босқичларида ҳар йили юзлаб учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиладики, уларнинг барчаси ёшларимизни – ҳам йигит, ҳам қизларни оилага тайёрлашга бағишланган. Улар учун махсус рисолалар чоп этамиз ва ҳоказо, ҳаммасини айтиш қийин. Шуниси характерлики, биз ана шу учрашув ва ўқувларда асосан ўтказган тадқиқотларда аниқланган муаммо ва кемтик жойларни инобатга олган ҳолда ишни ташкил этамиз.

**– Ҳар бир оила ўз олами, урф-одати, қадриятларига эга. Ана шу оламни ўрганиш, урф-одатларини, қадриятларини авайлаш, асраш, эъзозлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

– Оила ва никоҳнинг ўзи қадрият, у неча асрлардан буён бизнинг онгимиз ва қалбимизда илиқ бир тушунча сифатида сақланиб келаётганлигининг асосида инсонпарвар анъаналаримиз, умри боқий урф-одатларимиз ётади. Биз ҳамиша китоб, рисола ёки мақола ёзар эканмиз, уларга чуқур ҳурматни ўқувчида ҳам шакллантиришга ҳаракат қиламиз. Тарғибот-ташвиқот ишларида ҳам миллий қадриятларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириб баён этамиз, шундагина биз никоҳнинг муқаддаслигини сақлаб қолишимиз мумкин.

**– Васила опа, «Оила» маркази вакиллари тез-тез ҳарбийлар орасида бўлишиб, семинарлар, анжуманларда иштирок этиб туришларидан яхши хабардормиз. Марказнинг Мудофаа вазирлиги, умуман, Ватан ҳимоячилари билан ҳамкорлигининг истиқболлари қандай?**

–Афсуски, марказнинг бевосита Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорлик шартномаси йўқ, ваҳоланки, менинг назаримда, бўлганда ёмон бўлмасди. Тўғри, биз ҳарбий билим юртларида, турли конференция ва ўқувларда қатнашиб турамиз, ҳарбийлар оиласини ўрганаётган шогирдларимиз ҳам бор. Чунки бир нарсага аминмизки, агар аскарга оиласида тўғри тарбия берилган бўлса, унда Ватанга, унинг дахлсизлигига нисбатан тўғри муносабат шакллантирилган бўлса, у хизматни яхши уддалайди. Шу боис ҳам ота-оналар билан учрашганда биз шу ғояларни тарғиб этамиз. Мен шахсан миллий истиқлол ғояларини ҳарбийлар тарбияси жараёнида сингдириш борасида тез-тез офицерлар билан учрашиб тураман. Ўтган йили менинг таҳририм остида «Ҳарбий психология» номли ўқув қўлланмаси ҳам чоп этилди. Ўйлайманки, ҳамкорлигимиз янада самарали бўлади. «Оила» маркази «Оила» номли илмий-маърифий, ижтимоий психологик, рангли-безакли журнал чоп этмоқда, унинг ҳар бир сонига жасорат ва ватанпарварлик тарбияси, ҳарбийлар оиласи, оиланинг аскар ва офицерларни тайёрлашдаги ўрни каби рукнларда мақолалар бериб боряпмиз ва бу иш давом этади. Ўйлайманки, биз ҳамкорликни аниқ предметга йўналтира олишимиз зарур.

**– Андижонда содир этилган мудҳиш воқеалар шуни кўрсатадики, она қалби бедор бўлса, фарзандлар ҳар хил ёмон йўлларга кирмайди, ёт оқимлар таъсирига тушиб қолмайди. Афсуски, бугунги кунда баъзи бир ота-оналар турмуш юмушлари билан овора бўлиб, фарзандлари тарбиясини унутишгандай. Умуман, ота-она, фарзанд муносабатлари марказ томонидан қай даражада ўрганилмоқда? Фарзандларимиз ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмаслиги учун қандай ишларни амалга оширишимиз керак, деб ўйлайсиз?**

– Бу ўта муҳим масала. Афсуски, Андижон воқеалари ёшларимиз тарбиясида ҳам, ота-оналарнинг масъулиятлилиги борасида ҳам камчиликлар борлигини кўрсатди. Бу борада мақсадимиз аниқ бўлганидек, ёшларимизни ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслик борасида ҳам тадбиримиз аниқ бўлиши керак, деб ўйлайман. Аввало, Мудофаа вазирлиги, хотин-қизлар қўмиталари, оилашунос олимлар, «Камолот»чилар, умуман, ҳаммамиз бирлашиб, ота-оналар ва болаларнинг Конституциямизнинг 63- ва 64- бандларида белгилаб қўйилган бурчларини онгларига сингдиришимиз керак. Қолаверса, «Жаҳолатга қарши маърифат билан» курашиш шиори остида ёшларимиз ва уларнинг ота-оналарининг маърифий савиясини кўтаришимиз керак. Ҳозирда ҳарбий ўқув юртларига ёки олий ўқув юртларига киришни хоҳлаган ёшларга берилаётган имконият ва имтиёзлар бу борадаги амалий ишлардандир. Қолаверса, оила институтини мустаҳкамлашимиз, унинг жамиятдаги мақомини янада кўтаришимиз, ўйлайманки, ҳар бир боланинг доимий назоратда бўлишини таъминлайди, турли ғаламислар ортидан эргашиб кетишидан асрайди. Чунки фарзанд дунёга келдими, демак, унинг эгаси бор, бу – унинг ота-онаси, тарбиячиси, мураббийи, ўқитувчиси, устози, касбдошлари, маҳалладоши, дўст-ёрлари. Ўзбекчиликнинг жамоавийлик анъаналарини тиклаш бу борада яхши натижаларни беради ва айнан бизда бу борада яхши тажриба ҳам мавжуд.

**– Бугунги кунда жамиятимиз олдида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек муҳим вазифа турибди. Ана шу вазифани бажаришда марказнинг ўрни, роли хусусида тўхталсангиз.**

– «Оила» марказлари илмий изланишлардан ташқари, каттагина тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради. Агар бизнинг учрашувлардаги фикрларимизга, оила сиёсатини халққа етказиш усулларимизга эътибор берсангиз, улар аслида ватанпарварлик тарғиботи ва ташвиқотидир. Демак, биз фуқароларимизда оилани эъзозлаш, ота-онага ҳурмат бажо келтириш, рўзғорни ҳалоллик ва профессионал касб ила юритиш, фарзандни соғ ва саломат туғиб, катта қилишга ўргатишимиз ватанпарварликдир. Чунки оилани ардоқлаган, унинг шаъни учун курашган йигит-қиз ҳеч қачон Ватанига хоинлик қилмайди, унга иснод келтирмайди. Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган оилага ғамхўрлик сиёсатининг кучли томони ҳам ана шунда.

**– Ватан ҳимоячиларига тилакларингиз?**

Мен битта нарсани ҳамиша ўйлайман, фикримни яқинларим, касбдошларим билан ўртоқлашаман. Агар йигит Ватанига астойдил хизмат қилиб, йигитлик бурчини шараф билан адо этса, у келгусида оиласига, яқинларига, фарзандларига ҳам ана шундай фидойи, мард, оилапарвар бўлади. Мен йигитлардан совчи келганда, қизларнинг онаси биринчи навбатда «Ўғлингиз ҳарбий хизматни яхши ўтаганми?» деб сўрашларини ва шунга қараб қизларини турмушга узатишларини хоҳлайман. Чунки ҳарбий хизматни «дўндирган» йигит – энг аввало, соғлом, чиниққан, ҳаётни кўрган, иродали, мард ва ҳалолдир. Мен ана шундай йигитлари бор мамлакатнинг келажаги буюклигига, бу юртнинг оилалари мустаҳкам, фарзандлари эса полвон бўлишига ишонаман. Ҳар бир ўғил ўстирган онага ана шундай фарзандни, Ватанимиз ҳимоячиларига эса мусаффо осмон, тинчлик ва матонатни, оиласи бут бўлиб, турмуш ўртоқлари иффатли ва хулқ-одобда гўзал, ақлли бўлишларини тилайман.

**«Ватанпарвар» мухбири Комилжон ҲАСАНОВ суҳбатлашди.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.**

Турмуш чорраҳаларида

# ОНАЛИК МАРТАБАСИ

Рашида опа тунги навбатчиликдан анча чарчаб чиқди. Кетма-кет оғир касал қабул қилиб, уларга биринчи ёрдам кўрсатди, керакли муолажаларни ёзди. Уйига келгачгина эсига тушди: ахир эртага туғилган куни-ку! Фарзандлари тўпланади. Бирор тансиқроқ таом пиширмаса бўлмайди. Болалари хизмат вазифаси билан турли шаҳарларда яшашади. Фақат кичиги Шерзодгина талаба. Озгина бали етмай, контракт асосида ўқишга илиниб қолган. Эр-хотин ўқиш пулини тўлаш учун қўшимча навбатчиликлар олишган. Ишқилиб, амаллаб туришибди. У ошхонага кирди. Аксига олиб гўшт ҳам тугабди.

– Ҳа, майли, – ўйлади у. – Ғофир акам ҳадемай келиб қоладилар. Бозорга чиқиб келарлар.

– Ҳа, онаси, жуда ўй суриб қолибсан?

– Яхши келдингизми? Эртага туғилган кунимлиги эсимдан ҳам чиқибди. Ўғил-қизларингиз оилалари билан келишади, тайёргарлигимиз эса йўқ. Шунга бозорга бориб, харажат қилиб келасизми, деб ўйлаб тургандим.

– Ҳали ишхонага Шерзод телефон қилувди. Ҳозир келиб қолади, бирга чиқиб келармиз.

Рашида опа кўнгли хотиржам бўлиб, рўзғор юмушларига киришди. Кўп ўтмай, ҳовлида Шерзоднинг товуши эшитилди. Ота-бола алланималар ҳақида гаплашиб туришди-да, сўнг уйга киришди. Шерзод онаси билан саломлашиб, сиз гапиринг, дегандай адасига имлади. Рашида опа ота-боланинг қандайдир сири борлигини сезиб, эрига қаради.

– Нима гап, тинчликми, ўзи?

– Худога шукр, тинчлик. Шу… шаҳарга бориб келасанми, демоқчийдим.

– Нимага ахир, очиғини гапиринглар.

– Шерзодга пальто танлашда ёрдам берасанми, дегандим. Озроқ пул йиғиб қўювдим. Биласан-ку, ўғлинг кийим танлашни билмайди.

– Ойижон, юрақолинг, борамизу келамиз. Қайтишда бир йўла харажат ҳам қилиб келардик.

– Ҳа, шумтака, нарсаларни ўзимга кўтартирмоқчимисан-а? – дея ҳазиллашди Рашида опа ва кийинишга кириб кетди. Ҳақиқатан ҳам ўғли кийим танлашни билмайди. Қачон қарама, сифатсиз нарсани қимматга олади. Пиширириқларни ҳам бозордан олишар. Қолаверса, ўзига этик ҳам олмоқчи эди. Чорсу бозоридан арзонроғини танлаб олса бўлади.

Шу хаёллар билан Рашида опа тезда кийиниб чиқди. Онаболани кузатар экан, Ғофир ака ўғлига муғомбирона кўз қисди. Онанинг дилидаги ҳайрат энди шубҳага айланди. Ишқилиб, яхшилик бўлсин-да.

Бир соатга қолмай улар Чорсу бозорига етиб келишди. Машинадан тушиб, онанинг ҳайронлиги юз чандон ошди. Бозор дарвозаси олдида ўғиллари Равшан, Бахтиёр, Рустамлар ҳам туришарди.

– Ҳой, сенларга нима бўлди, тинчликми ишқилиб?

Ўғилларининг саломига алик олиб, бағрига босар экан, Рашида опа уларга савол назари билан боқди.

– Онажон, онажоним менинг, – деди тўнғич ўғли Равшан, – юринг, Шерзодга пальтони биргаликда танлаймиз. Шу пайт Шерзод сизлар пальто сотиладиган дўконга бораверинглар, мен орқангиздан етиб оламан, деб қаёққадир кетди. Рашида опа ўғилларининг савлатини кўриб, ичида туф-туфлаб қўйди. Илоё кўз тегмасин, омон бўлишсин. Эри билан буларни шу ҳолга келтиргунча озмунча меҳнат қилишдими? Мана энди Равшани майор, Мудофаа ишлари бўлимида ишлайди. Бахтиёр – ҳарбий шифокор, Рустам – банк ходими. Улар энди оёққа туриб келишаяпти. Худо хоҳласа, келажаги порлоқ уларнинг. Ўғилларининг бўй-бастидан хурсанд она тилла тақинчоқлар сотиладиган дўнчага кириб қолганини сезмай ҳам қолди.

– Онажон, тилла тақинчоқлар жамламасини бир кўринг-чи, қайси бири яхши экан?

– Кимга олмоқчисан? – она ҳайратланиб сўради.

– Сизга, онажон, – деди Бахтиёр, – ахир эртага туғилган кунингиз-ку, энг чиройлисини танланг, нархига қараманг.

Рашида опанинг юраги ҳапқириб, мижжаларига ёш сизиб чиқди. Бутун умр маош билан тирикчилик ўтказган эр-хотин ҳамма вақт, ҳамма нарсанинг нархига қараб, савдолашиб, иложи борича арзон қилиб олишга одатланишган. Бирор нарсани, айниқса, бунақа қимматбаҳо буюмни нархига қарамай сотиб оларман, деб хаёлига ҳам келтирмаган. Энди эса ўғиллари – алп қоматли лочинлари нархига қараманг, танланг, деб туришибди.

– Нима кераги бор. Узук, зирагим бор-ку, – деди она зўрға.

Ўғиллар сотувчи билан маслаҳатлашиб, нафис ишланган, жудаям чиройли тақинчоқлар жамламасини сотиб олишди.

У ердан чиққач, оналарига жундан тўқилган ажойиб жемпер, сўнгги русумдаги этик, пальто, рўмол, туфли сотиб олишди.

Рашида опа эса оналикдек улуғ мартабанинг лаззатидан маст одамдек гандираклаб одим ташларди. Унинг барча чарчоқлари – фарзандларини ўқимишли, оилали қиламан, деб эри билан баравар елиб-югурганлари шу бир соат ичида тарқалиб кетгандек эди.

Улар бозордан чиқишганда Шерзод яп-янги «Матиз» машинасининг эшигини очиб, жилмайиб турарди.

– Онажоним, олдинги ўриндиққа ўтиринг. Уйимизга ўз машинамизда кетамиз, – дейишди улар.

Бирданига шунча янгиликдан довдираб қолган она йўлда борар экан, ўғли билан эрининг муғомбирона кўз қисишлари сабабини энди тушунди.

**Муборак МИРКАМОЛОВА.**

# YETTI AHMOQ

## (O‘zbek xalq ertagi)

Bir kuni yetti ahmoq bozorga o‘ynagani chiqishibdi. Yurib-yurib qorinlari ochibdi. Ular pul yig‘ishib yettita xurmacha qatiq va yettita non olishibdi. So‘ngra olgan narsalarini yeyish uchun joy izlashib, bir chekkaga o‘tishibdi. Ular atrofga qarasalar, qo‘llarini yuvish uchun suv ko‘rinmabdi.

Shunda ularning eng kattasi boshqalariga suv keltirishni buyuribdi.

Ular bir-birlariga sansalorlik qilib hech qaysisi unamabdi.

Shunda ahmoqlar bir-birlariga shart qo‘yishibdi. «Agarda kim gapirsa, o‘sha qo‘lga suv olib kelib quysin». Shunday qilib, ahmoqlar indamasdan o‘tiraverishibdi.

Shu payt bir gadoy kelib tilanibdi. Unga hech kim javob bermabdi.

U nonni olib yeb, qatiqni ichib idishning yuqini ahmoqlar betiga surkab ketibdi.

Birozdan keyin bir it kelib, qolgan non ushoqlarini yesa ham ular indamasdan o‘tiraverishibdi. It non ushoqlarini, idish yuqlarini yalabdi. Oxiri itning qorni to‘ymay qolib, bir chekkadan ahmoqlar betidagi gadoy surkab ketgan qatiqlarni yalay boshlabdi. It oltita ahmoqning betini yalab yettinchisini yalayotganida, itning tili uning og‘ziga kirib ketibdi. Shunda haligi ahmoq «Ket!» deb yuboribdi. Qolgan oltita ahmoq esa birdaniga: «Tur, qo‘lga suv keltir!» – deb qichqirishibdi. Qarashsaki, oldilarida na non bor va na qatiq.

● Ikkita bir xil baliqni toping.

«Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал, Умрнинг ҳар дами ғанимат».

Фулом КАРИМ

# ТУРОН ҚОПЛОНИ

## УЧИНЧИ КЎРИНИШ

**(Давоми. Боши ўтган сонларда).**

Сарой ортидаги боғ. Жамила ёлғиз сайр қилиб юрибди. Дарахт орқасидан бошдан оёқ қуролланган Самад чиқиб келади.

**САМАД:** Танҳо сайр қилишга қўрқмайсизми?

**ЖАМИЛА:** Вой, ҳозир сиз ҳақингизда ўйлаб тургандим. Боққа кирганингизни ҳеч ким кўрмадими, ишқилиб?

**САМАД:** Ҳамма кўрганда ҳам барибир келардим. Сиз билан хайрлашмасдан қандоқ кетамен?

**ЖАМИЛА:** Қаён кетяпсиз, тинчликми?

**САМАД:** Эшитгандирсиз, юртимизга ёвуз душман бостириб келмоқда. Ҳоким ҳазратлари Ходарвеш даштига чиқиб, ёвга зарба бермоқчи. Мен ҳам жангга кетаётирмен.

**ЖАМИЛА:** Вой азизим, сиз кетсангиз мен роса хавотир оламен.

**САМАД:** Асраймен, албатта. Лекин шу қонли жангда ҳалок бўлиш пешонамга ёзилган бўлса, сўнгги дамда сизнинг номингизни айтиб жон берурмен.

**ЖАМИЛА:** Оҳ, ўлим ҳақида гапирманг. Мени қўрқитманг. Сизни йўқотиш ўлимдан ҳам оғир мен учун.

**САМАД:** Хотиржам бўлинг, яна албат юз кўришурмиз. Хайр!

Самад кетади.

**ЖАМИЛА:** (маъюсланиб) Нима қилай? Юрагим ачишса ҳам, «қолинг», – деб айта оламенми? Бу кун ўз суйганини жангга кузатган ёлғиз мен эмасмен, албатта. Ёв даф қилинмас экан, юртда ўйин-кулгу ва тўйга фурсат қаёқда?

Шодмулк канизаги билан боғда сайр қилиб келиб қолади. Жамила уни кўриб, таъзим қилади.

**ЖАМИЛА:** Ассалому алайкум, бегим.

**ШОДМУЛК:** Ваалайкум. Бу кимсасиз боғда сайр қилиб шундай сулув қизни учратамен, деб хаёлимга ҳам келтирмагандим. Отинг нима сенинг?

**ЖАМИЛА:** Мен вазир Шамсиддиннинг қизимен. Исмим Жамила.

**ШОДМУЛК:** Ҳа, менга айтишган эди, вазирнинг қизи бор деб. Исминг жисмингга муносиб, жуда кўҳлик экансен. Ўғлим каттароқ бўлганида сени ўзим келин қилардим.

**КАНИЗАК:** Кичик бўлса ҳам зарари йўқ, бегим. Шундоқ қизни қўлдан чиқариш увол.

**ШОДМУЛК:** Рост айтасен. (Ўйланиб туриб Жамилага) Айтгандай, сен ҳақингда канизаклар қизиқ гап айтишганди. «Вазирнинг қизи бир ўнбоши билан ошиқ-маъшуқлик қилаётганида ушлаб олишган», – деб. Шу гап ростми?

**ЖАМИЛА:** Ўнбошини севишим рост. Аммо ўзимга доғ туширадиган ҳеч бир иш қилмаганмен, бегим.

**ШОДМУЛК:** Оҳ, кўнглингга келтирма, азизам. Шунчаки бир ҳазилда. Фақат ишқнинг кўзи кўр, деб рост айтар эканлар. Шунча ҳусн билан, бунинг устига вазирнинг қизи бўлатуриб, бир ўнбошини севиб қолдингми? Аъёну саркардаларга хотинликка муносибсан-ку!

**ЖАМИЛА:** Ҳар кимники ўзига, маликам. Ҳоким ҳазратлари ҳам бир пайтлар оддий сарбоз бўлган эканлар.

**ШОДМУЛК:** (кулиб юборади) Оббо сенгей, нозик жойдан ушладинг-ку. Фақат ул кишига мен султон саройида обрў-эътибор топгачгина текканмен. Майли, сенинг ёринг ҳам ҳоким ҳазратларидек баланд мартабаларга эришсин. Лекин шунда ҳам биз иккаламизнинг қисматимизга ҳеч ким ҳавас қилмасин.

**ЖАМИЛА:** Нега бундай дейсиз, бегим?

**ШОДМУЛК:** Саркардага хотин бўлиш қанчалик оғирлигини сен ҳали билмайсен. Бошингга тушганда кўрасен. Мен эсам бор мушкулларни бошдан кечирдим. Мана бугун ҳам ҳоким ҳазратлари сафарга кетдилар. «Кетманг, ё мени ҳам олиб кетинг», деб қанча ялиниб-ёлвордим. Ҳеч кор қилмади. Эс-ҳушлари душманни мағлуб этишда. Менга эса шу канизак билан кун ўтказишдан бошқа чора йўқ. Яхшиям бугун осойишталикка эришгач, ғалаба шодиёнасига сизларнинг бахт тўйларингиз уланиб кетсин.

**ЖАМИЛА:** Айтганингиз келсин, маликам!

**ШОДМУЛК:** Ҳозирча хайр! Зерикканингда ҳузуримга чиқиб тур.

**ЖАМИЛА:** Хўп бўлади, маликам. Албатта, чиқамен. (Шодмулк ва канизак кетгач) Мени шундай аёлга рўбарў қилгани Оллоҳнинг улуғ иноятидир. Отам муҳаббатимга қарши бўлса-да, аммо менинг қалбимни англайдиган, мендай бир ожизага хайрихоҳлик билан қарайдиган одамлар ҳам бор экан-ку дунёда.

**Парда.**
**(Давоми бор).**

Сиз бунга нима дейсиз?

# ҲАЙДОВЧИЛИК АЙБМИ?

Ҳарбий қисмларнинг бирида бўлганимда Муҳаммаджон исмли йигит билан суҳбатлашдим. Аниқроғи, мен унинг хомуш ва ғамгин кайфиятда ўтирганини кўриб:

– Ўртоқ оддий аскарнинг мазаси йўқми дейман-а? – сўрадим ундан.

Кейин билсам, жисмонан соғлом бу ҳарбий хизматчининг дили хаста экан. Айни навқирон ёшдаги йигитнинг дарди – севги азоби. Бу туйғу унинг бошини эгик, қалбини нотинч ҳолатга келтирибди. «Ахир севги муҳаббат юракка қувонч, ҳаётга мазмун бағишламайдими?» деган фикр менинг ҳам хаёлимдан ўтди.

Гап шундаки, у Асал исмли қизни жуда севади. Куну тун ўша қиз ҳақида ўйлайди. Айниқса ҳозир, уйидан узоқда, армияда уни беиҳоя соғинади. Минг афсуски, Асал Муҳаммаджонга бефарқ. Нари борса, ўн бир йиллик синфдошини дўст деб билади, холос. Нафақат синфнинг, балки мактабнинг энг гўзал ва соҳибжамол қизларидан бўлмиш Асал ҳеч қачон уни жиддий қабул қилмаган. Балки бунга қизнинг ошиқлари, «куйдим, севдим» дегувчилари кўплиги, ўзига ҳаддан зиёд юқори баҳо бериши сабабчидир. Нима бўлганда ҳам, йигитнинг ўз севгисидан, шунча ўй-хаёлларидан воз кечгиси йўқ.

Баъзи сафдош дўстлари унга гўзаллик ўткинчи нарса, инсоннинг ички дунёсига ҳам эътибор бериш керак, дея маслаҳат беришибди. Бироқ оддий аскарнинг кўз ўнгидан Асалнинг ҳусну малоҳати кетмаяпти.

Муҳаммаджон бир воқеани эслаб, ўз-ўзини ёмон кўриб кетган вақтлари ҳам бўлади. Ўша, севги изҳори қилинган кун ҳеч ам унинг ёдидан чиқмайди. Қизнинг жавоби юрагини тилка-пора, умидларини чил-парчин қилганди: «Ҳм, бир ками энди шўпирнинг ўғли билан ошиқ-мошиқ бўлиб юришим қолганди». Ўшанда алам ва ғазабдан йигитнинг кўз олди қоронғилашганди. Ахир унда нима айб? Оддий ишчи оиласида туғилганидами? Ёки отасининг ҳайдовчи эканлиги ва айнан Асалнинг отаси бошлиқ бўлган ташкилотда ишлашидами? Наҳотки, унинг туйғулари, ҳиссиётлари бир пулга қиммату қандай оила фарзанди эканлиги шунчалик муҳим бўлса?

Йўқ, Муҳаммаджон ўз тақдиридан нолимайди. Шу кунлар учун доим шукроналар айтади. Асалга эришиб бўлмаслигини, ўз гўзаллигига ўзи маҳлиё бўлиб қолган, фақат ўзинигина севувчи, димоғдор қизнинг ички дунёсида унинг табиатига яқин ёхуд ҳеч бўлмаса ўхшаш бирон бир жиҳат йўқлигини ақлан тушуниб етса-да, юрак қурғурга буюриб бўлармиди…

Тўғрисини айтсам, Муҳаммаджонга нима маслаҳат, қандай тасалли беришни билмай, хайрлашдим у билан. Балки сиз, азиз ўқувчиларимизда ҳаётда учраб турувчи бундай ҳолатларга, аниқроғи, суҳбатдошимга нисбатан айтажак гапларингиз бордир. Фикр ва мулоҳазаларингиз битилган мактубларни кутиб қоламиз.

**Лейтенант Т.ХУДОЙНАЗАРОВ.**

# ОРЗУЛАР ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНДИ

Бўлажак ҳуқуқшунослар, врачлар, педагоглар, архитекторлар ҳаяжонли дамларни, яъни тест саволлари билан яккама-якка қолинадиган онларни интиқлик билан кутаётган бир вақтда, кўпчилик ёшлар учун бу синовлар ортда қолди. Ҳа-ҳа, тўғри топдингиз, бу ерда гап ўз ҳаётини энг шарафли ва олижаноб касб – Ватан ҳимоячиси бўлишга бағишлашга қарор қилган ёшлар ҳақида бормоқда. Шу кунларда тест синовларидан муваффақиятли ўтган юзлаб йигитлар «абитуриент» номи билан хайрлашиб, курсантлар бўлинмалари сафларини тўлдирдилар. Бу эса, анчагина ҳаяжонланишга тўғри келган бўлса-да, уларнинг эзгу орзулари рўёбга чиққанини билдиради. Уларнинг айтишича, имтиҳон топшириқдан мандат комиссияси хулосасини эшитишгача бўлган оралиқ давр айниқса, ҳаяжонли бўлган. Орзуларни поймол қилувчи «йўқ» сўзини эшитишни ҳеч ким истамасди. Бироқ ўқишга кириш истагида бўлганлар сони «бўш ўринлар» кўрсаткичидан анча юқори бўлганлиги сабабли бу ҳол юзага келиши аниқ эди. Натижада, ушбу чўққини эгаллашга жиддий ва юқори масъулият билан тайёргарлик кўрган, яхшилар орасидаги энг яхши ёшлар муваффақ бўлишди. Шуниси қувонарлики, улар орасида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий соҳа билан танишиб улгурган, демакки, онгли равишда бу касбни танлаган ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Албатта, мактаб дастуридаги баъзи нарсалар уларнинг ёдидан кўтарилган, тайёрланишга ҳам вақтлари кам бўлган эди. Айнан шундай вақтда уларга бенуқсон хизматлари учун ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан берилган тавсиянома катта ёрдам берди. Маълумки, ушбу тавсиянома қўшимча баллар олиш имконини беради, бу эса катта аҳамиятга эга эканлигини ҳамма яхши тушунади. Жумладан, фарғоналик Муҳаммадин Латипов ҳам буни ўзида тўлиқ маънода ҳис этди. Ўз вақтида у йигитлик бурчини шараф билан адо этди ва унинг профессионал ҳарбий бўлиш истагида эканлигини билган қўмондонлик уни тавсияномага муносиб топди. Айнан шу тавсиянома ўқишга киришда унга қўл келди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли бурчакларидан «омадлилар» номига табрикномалар келиб турибди. Ота-оналар, таниш-билишлар, билимга муҳаббатни сингдирган мураббий-устозлар, Қуролли Кучларимизнинг эртанги кунини улар сиймосида кўраётган бутун халқимиз бу ёшлар билан фахрланади. Ҳеч қаерда ва ҳеч қачон ўз танлаган йўлидан четга чиқмасликка қатъий қарор қилган ёшларнинг қалби ҳам қувончда.

**Азамат АКБАРАЛИЕВ (Тошкент вилояти):**

– Оиламиз анъанасини давом эттириш мен учун шараф эди. Отам ҳам, амаким ҳам ҳаётларининг кўп йилларини Ватанга хизмат қилишга бағишлашган ва бу ҳақда энг азиз хотира сифатида эслашади. Улар армия ҳаёти, офицерлик ҳаёти ҳар доим ҳам қувончли бўлавермаслигини мендан яширишмаган, бироқ бу касбни танлашимга тўсқинлик ҳам қилишмаган. Мен бу касбни бир марта ва бутун умрга танладим.

**Шартнома бўйича хизматчи Ойбек ЙЎЛДОШЕВ (Жиззах):**

